

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

Бизнес ва бошқариш

(соҳаси)

5340200

(шифри)

Менежмент

(йўналиши, мутахассислик)

“Биржа фаолиятини бошқариш”

фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Тошкент – 2009

“ТАСДИКЛАЙМАН”

ТДИУ Илмий - услубий Кенгаши раиси
проф. Ходиев Б.Ю.

(Кенгаш мажлисининг “__” ____ 2009 йилдаги
сонли ____ баённомаси)

“МАЪКУЛЛАЙМАН”

“Ахборотлар технологияси ва менежмент”
факультети илмий кенгаш раиси,
декан проф. Бегалов Б. А.

“__” ____ 2009й.

“ТАВСИЯ ЭТИЛДИ”

Кафедра мудири проф. Йўлдошев Н.Қ.
“Менежмент” кафедраси мажлисида муҳокама
этилди ва маъкулланди.
Сонли ____ мажлис баёни “__” ____ 2009 й.

Бу фаннинг асосий максоди бозор иктисодиёти шароитида биржа фаолияти билан таништириш, Ўзбекистонда фаолият курсатаётган фонд биржасининг структураси, уни бошқариш йул-йуриклари, устав фондлари ҳамда чет эл тажрибаларини урганган ҳолда биржа фаолиятини тугри олиб бориш, биржа ҳақидаги қонунларни урганиш.

Шу билан бирга талабалар биржа сирларини урганишлари, битимларни тузиш йул-йурикларини билишлари, биржадаги олди-сотди ишларини яхши билишлари, биржа қурғазмаларини амалга оширишда рекламадан фойдаланиш йул-йурикларини урганиш талабалардан талаб қилинади.

Тузувчи: Акаитдинова М.А.

Такризчилар: 1. Турсунходжаев М.Л.
2. Сағдуллаев Ж.Т.

М У Н Д А Р И Ж А

1 мавзу	Фаннинг предмети, вазифалари ва максоди.	4
2 мавзу	Биржани ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари.	8
3 мавзу	Биржани бошқариш ҳукуки ва шакллари.	15
4 мавзу	Биржа фаолиятининг функцияси.	20
5 мавзу	Биржа структураларини ташкил этиш ва бошқариш	29
6 мавзу	Товар биржаси .	40
7 мавзу	Фонд биржаси.	50
8 мавзу	Валюта биржасининг асосий функциялари.	58
9 мавзу	Меҳнат биржасининг фаолияти.	64
10 мавзу	Биржа фаолияти учун кадрларни тайёрлашнинг чет эл тажрибаси.	75
11 мавзу	Биржа бозорида ҳисоблар ва клиринг	80
12 мавзу	Биржа битимлари ва уларнинг турлари	87
13 мавзу	Брокер ва брокерлик идоралари	91
14 мавзу	Биржа фаолиятини назорат қилиш	98
15 мавзу	Биржа фаолиятининг чет Эл тажрибаси	102
	Фанга оид атамалар	109
Илова 1	Фанни узлаштиришда педтехнология, интерактив усулидан фойдаланишнинг самарадорлиги	113
	Адабиётлар руйхати	115
	Ишчи дастур	117
Илова 2	Янги мавзулар	145.

Мавзу 1. Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари.

1. Биржа ҳақида тушунча ва унинг моҳияти.
2. Биржа фаннинг предмети ва мақсади
3. Биржанинг Европада пайдо бўлиши.

1.1. Биржа ҳақида тушунча ва унинг моҳияти.

. Биржа сузи лотинча ва немисча суздан келиб чиқиб, ҳамённи билдиради.

Қадимда "биржа" сузи қуйидаги уч хил воқеликни ифодалаш учун қулланилар эди: биринчидан, сотувчи ва сотиб олувчиларни, бир жойда йиғилишини, иккинчидан, бундай йиғилишларни утказиш жойини белгилашни, учинчидан шу вақтда амалга ошириладиган олди-сотди ишлар йиғиндисини. Бу фикрларнинг ҳаммаси жамланса маълум тарзда ташкил этилган бозор ёки биржа деган маъно келиб чиқади. Биржанинг узига хос хусусияти шундаки, унда савдо улгуржи тарзда олиб борилади.

Буюк жугрофия кашфиётларидан олдин ва кейин буюк ипак савдо йули Урта Осиё ҳудудининг ва бошқа ҳудудлар билан алоқасини, шу билан бирга ҳар бир мамлакат вилоятлари орасидаги савдо-сотикда мамлакатларнинг узаро товар ва маҳсулотлар алмашшувини таъминлашда даллоллар (брокерлар) воситачилик қилганлар, чет элдан ва мамлакатлар вилоятларидан келган савдогарлар билан доимий алоқада бўлиб турганлар, уз муштариёларига етишмаган товарлар ҳақида, тез-тез савдо қарвонларининг бошқа туркумлари орқали уз эҳтиёжларини маълум қилганлар. Даллоллик хизмати уша даврда муҳим роль уйнаган. Бу хизмат биржанинг дастлабки шаклларида бири эди.

Биржа энг қадимий савдо институти бўлиб, ҳозирги биржа ташкилотларини яратилиши, савдонинг ривожланиши, йирик савдо марказларининг таркиб топиши, савдогарлар гуруҳларини қўлаб қўзага қилиши билан боғлиқдир. Демак, ҳозирги биржаларнинг авлоди бўлиб бозор ва ярмаркалар ҳисобланади. Бозорда савдо муттасил олиб борилад эди, аммо биржадан фарқ қилган ҳолда бозорда товарнинг асли сотилиб, одатда, харид қилувчилар ҳисобланар эди. Ярмаркаларда товарни ўзи бўлмай унинг намунаси, улгуржи партиялар бўйича савдо қилинар эди ва уни савдо воситачилари харид қилар эдилар. Ярмаркаларда энг қамёб ва қакон товар бўлиб қўл ҳисобланар эди. Ярмаркалар бир йилда бир неча марта утқазилар эди. Одатда, ярмаркалар халқаро савдони ривожланишига хизмат қилар, бозор эса – қекланган районларда савдо оборотини таъминлар эди.

Биржада марказий фигура бўлиб брокер ҳисобланади. Ишлаб қикарувчи ва истеъмолчилар биржадаги битимни узаро эмас, биржа билан эмас, балки брокерлар уз миқозлари топшириги билан тузадилар. Бу демак, биржа савдосини ривожланиши билан брокерлик қасби қенг ёйилиб, маҳсулот ишлаб қикарувчи ва истеъмолчилар брокер билан узвий боғлиқликда ишлайди. Шундай қилиб, брокерлик фаолиятини қакат брокерларни ўзлари яхши билмай, ўларни миқозлари ҳам яхши қилишлари зарур.

Ишлаб қикаришнинг ривожланиши билан доимий улгуржи бозорга муҳтожлик туғилади. Бундай бозор ривожланаётган ҳужалик соҳалари ўртасидаги алоқа боғлаш имқонини берар эди. Бундай бозор биржа шаклида

ХУ1 асрда Испания билан Голландия уртасидаги савдони ривожланиши билан таркиб топди. Биржа – кимматбаҳо коғозлар, стандарт талабларга жавоб берадиган товарлар ёки уларни намуналари, талаб ва таклифларга биноан қонуний равишда нархи белгиланган валюталар асосида савдо амалга ошириладиган, ташкил этилган доимо амал қилиб турадиган бозордир.

1.2. Биржа фанининг предмети ва мақсади.

Хар қандай фан уз предмети, назарияси ва услубларига эгадир. Предмет бу фан нима билан шугулланиши, унинг қайси соҳага тегишли эканлигини белгилайди. Назария бу соҳада қуй берадиган жараён ва ҳодисаларнинг қуй бериш қонуниятларини аниқлайди.

Биржа фанининг предмети биржани олиб бориш қонунлари (қонуниятлари), тамойиллари, битим тузишда брокерларнинг муносабатларини урганишдан иборат. Биржа фаолиятини олиб боришда брокер ва дилерларнинг роли қатта бўлиб, улар биржадаги савдо-сотиқ ишларини амалга оширишда асосий воситачилар ҳисобланадилар.

Биржалар аниқ таркиб топган ихтисослашувга эга бўлиши лозим. Масалан, автомобиллар, дон маҳсулотлари, металл, кимматбаҳо коғозлар индекси билан савдо қилувчи биржалар.

Шуни айтиш лозимки, биржа орқали савдо қилишнинг дастлабки шакли унинг товар шакли бўлмай, балки валюта – вексель биржаси шакли бўлган. Биржада кимматбаҳо буюмлар, битим тузишнинг объекти бўлиб ҳисобланган, улар пул ва векселлар айирбошлашнинг талабларига энг қуй даражада жавоб берган. Товарлар билан битим тузиш уша даврларда қатат ярмаркаларда бўлар эди. Транспорт воситаларини ривожланиши билан бундай шаклда савдо қилиш қусайиб борди ва биржани ривожланишини кейинги босқичи ҳисобланган товар биржалари таркиб топди.

Бу фаннинг мақсади биржа ҳақида тушунча бериб, биржа фаолиятини ташкил этилиши, биржа ташкилотларининг инфраструктураси, биржани бошқариш ва биржа ташкилотларининг принциплари, биржа фаолиятининг асосий функциялари, биржанинг турлари, биржа структураларини ташкил этиш ва бошқариш, биржа битимлари ва уларнинг турлари, биржани бошқариш, маҳсулотларни бозорга чиқариш қусули ва формалари, биржа фаолиятини назорат қилиш, биржа фаолияти учун кадрлар тайёрлаш, биржа бозорида ҳисоб-қитоб ва клиринг, биржа фаолиятининг чет эл тажрибасини ургатади.

Фаннинг вазифаси эса бозор иқтисодиёти шароитида биржа фаолияти билан таништириш, Ўзбекистонда фаолият қурсатаётган фонд биржасининг структурасини ургатиш, биржани бошқариш қул-қуриглари ва устав фондлари билан таништириш, чет эл тажрибаларини урганган ҳолда биржа фаолиятини олиб боришни, биржа ҳақидаги қонунларни урганиш, биржа битимларини тузишни урганиш.

1. 3. Биржанинг Европада келиб чиқиши.

XV асрда Нидерландиянинг Брюгге шаҳрида савдогар Вандер Бурсе уйи ёнидаги майдонда савдо-сотик ахборотларини йиғиш мақсадида бутун дунё савдогарлари чет эл векселларини ва бошқа товарлар операцияларини амалга ошириш буйича йиғилишарди. Бундай пайтларда операциялар конкрет товарсиз утар эди.

Биржада савдо буюмининг маълум хусусиятлари, тафсилотлари аввалдан курсатиларди. Лекин сотиш жойида намуна ёки аниқ товарсиз яъни кимматбаҳо махсулотлар, хом ашё, буюмлар, кимматбаҳо коғозлар, хизмат ишлари, иш кучи ва бошқалар бўлиши мумкин.

Уша замонларда кишлоқ ахли етиштирган махсулотларни бозорга олиб бориш, сотиб урнига керакли товарлар - иш курули, кийим-кечак, пойафзал ва ҳоказо харид қилиб келишар эди. Товарларни хажми ва ассортименти қупайган сари, ҳамда транспорт воситаларининг такомиллашиши натижасида шаҳар бозорларини узида складлар-омборлар ташкил қилиш бошланди, чунки керакли микдорда захираларни йиғиб савдо-сотикни ҳафтасига бир икки кун - эрталабдан кечгача ташкил қилиш кузда тутилди.

Кейинчалик айрим бозорлар тор ихтисослашган ҳолда - бугдой, мол гушти, озик-овқат бозорлари узлуксиз улгуржи бозорларига айланиб қолди. Шу бозорларда мавжуд товарлардан ташқари намуналар ёрдамида шартнома-контрактлар тузилиб, товарларни поставка - етказиб бериш шаклидаги савдо ривожланди.

Хозирги биржа шундай иқтисодий даргоҳки, унда факат тижорат битимлари тузилибгина қолмай, балки турли хужалик тармоқлари ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ҳолати ва узаро муносабатларини ифодаловчи узига ҳос барометр вазифасини бажаради. Хозирда биржа хужалик юритишнинг муҳим звеноси ҳисобланиб; Ўзбекистонда мустиқ ривожланаётган бозор иқтисодиёти механизмини энг шиддатли ҳаракатлантирувчи бугинларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда товар биржаларининг вужудга келиши ва ривожланиши Россияда Петр 1 подшоҳлик қилган даврдан бошлаб биржа фаолияти шаклланишига бориб такалади. 1703 йилда Санкт - Петербургдан Петр 1 Россияда биринчи бўлиб, уша замонларда Европанинг савдо-биржа

операцияларини маркази чиқариладиган Амстердам биржасига тахассуф қилиб, товар-хом ашё биржаси очилган эди.

Октябрь революциясидан кейин Россияда 1922-24 йилларда янги иқтисодий сиёсат билан боғланган ҳолда биржалар фаолияти вақтинча тикланди. Худди шу йилларда Ўзбекистонда биринчи биржалар вужудга келди.

Тошкентда 1922 йилда биринчи товар биржаси очилди. Биринчи даврда бу биржа орқали утган савдо муомалалари унчалик катта бўлмасдан, анча кам эди. Лекин кейинчалик товар биржаларининг фаолияти аста секин кенгая борди. 1923 йилнинг 4 ойи давомида биржада товар олди-сотдиси бўйича муаммоларнинг хажми расмий олтин суми билан ҳисобланганда 60 миллион

сумни ташкил килди. Аммо кейинги пайтларда биржа коидаларига риоя килмаслик натижасида Ўзбекистонда биржалар сони кескин камайди ва тугатилди.

Хулоса

Демак, биржа немисча суздан олинган булиб, хамён маъносини билдиради. Биржа ХУ асрда Нидерландиянинг Брюгге шаҳрида Вандер Бурсе уйи ёнидаги майдонда вужудга келди. Бу ерда бутун дунёсавдогарлари чет эл векселларини амалга ошириш буйича йигилишарди. Бундай пайтларда операциялар аниқ товарсиз утарди.

Биржада савдо буюмининг маълум хусусиятлари ва тафсилотлари аввалдан курсатиларди. Лекин сотиш жойида намуна ёки аниқ товарсиз яъни кимматбаҳо махсулотлар, хом ашё, буюмлар, кимматбаҳо коғозлар, хизмат ишлари, иш кучи ва бошқалар булиши мумкин.

Хозирги биржа шундай иктисодий даргоҳки, унда факат тижорат битимлари тузилибгина қолмай, балки турли хужалик тармоқлари ва уларнинг бозор иктисодиёти шароитидаги ҳол аҳволларини ва узаро муносабатларини ифодаловчи узига ҳос барометр вазифасини бажаради. Хозирда биржа хужалик юритишнинг муҳим звеноси ҳисобланиб, Ўзбекистонда ривожланаётган бозор иктисодиёти механизмини энг шиддатли ҳаракатлантирувчи бугинларидан бирига айланмоқда.

Бозор иктисодиёти шароитида биржа ташкилотларини ташкил этиш ишлари яна қайтадан авж олиб кетди. Чунки биржа бозор инфраструктурасининг асосини ташкил этади.

Таянч иборалар:

Биржа, вексель, савдо қарвонлари, товар операциялари, кимматбаҳо махсулотлар, поставка, тижорат битимлари, бозор инфраструктураси.

Назорат учун саволлар:

1. Фаннинг предмети ва вазифалари нималардан иборат?
2. Биржа қачон ва қаерда ташкил топган?
3. Биржа ташкилотларининг инфраструктурасини қандай тушуниш лозим?
4. Ярмарка савдоси қачон ташкил этилган?
5. Энг йирик биржаларни санаб беринг.
6. Ўзбекистонда товар биржалари қачон вужудга келган?
7. Ярмаркада савдони олиб бориш қоидалари қандай?
6. Биржада битим қандай тузилади?
9. Биржада операциялар қандай олиб борилади?
10. Товарларни биржа орқали сотиш қандай имкониятларни яратади?

Асосий адабиётлар

1. Э.Эгамбердиев “Ўзбекистонда биржа ва брокерлик фаолияти”, Тошкент.2000

2. Ф. Котлер. “Основы маркетинга” М. Прогресс, 2002.
3. Г. Картер “Эффективная реклама” М., 2002.
4. Коротков А.В. Товарные биржи и биржевой анализ: Учеб. пособие. М.: МЭСИ, 2004.
5. Мельников А.В. Риск-менеджмент: стохастический анализ рисков в экономике финансов и страхования. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Анкил 2003

Мавзу 2. Биржани ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари.

1. Бозор шароитида биржани ташкил этиш ва бошқариш.
2. Таъсисчилар таркибини аниқлаш ва таъсисчилар шартномасини тузиш.
3. Биржа ташкилотларини ташкил этиш.
4. Ким ошди савдосининг коиди ва усуллари

2.1. Бозор шароитида биржани ташкил этиш ва бошқариш.

Иқтисодий нуктаи назаридан биржа - бу махсус тарзда ташкил этилган улгуржи бозор, ҳукукий нуктаи назаридан эса бу узиға хос ташкилот булиб, тадбиркорликни шу бозорға чиқиш имкониятини беради. Бундай ташкилот унинг доирасида ишловчи ходимлар орқали воситачиларни - биржа маклерларини, сотувчиларни ва харидорларни ёки уларнинг ёрдамчиларини доимо учратиб туради. Бунинг учун биржа бошқа субъектлар жисмоний ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи - биржа аъзоларига, маълум шартлар асосида унга келувчиларга - тез ва фойдали равишда битимларни амалга ошириш учун махсус инфраструктура яратади. Биржа юридик шахс сифатида ташкил этилади, яъни уз мулкига эга булади, уз номидан мулкӣ ва хусусий номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар олиши, шартномалар ва бошқа битимлар тузиши, давлат арбитражида, арбитраж судида даъвогар ва жавобгар булиб чиқиш мумкин.

Биржани ташкил этишнинг типик шакли - бу юридик шахсдир. Ривожланган ҳукукий давлатларда, одатда, хусусий ҳукукий шахсларни, яъни давлат ихтиёри билан эмас, алоҳида фуқаролар ва уларни бирлашмалари ихтиёри билан юзага келадиган икки тури маълумдир.

Биринчидан, қуйилган мақсадга эришиш учун, маълум микдордаги мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини ажратиб олиш асосида яратиладиган ташкилот, яъни юридик шахс.

Ташкилот турли хил шахслар ажратиб берадиган мулкдан, одатда, жамият манфаатидан фойдаланиш учун алоҳида субъект сифатида пайдо булади.

Иккинчидан, маълум мақсадга эришиш учун бирлашадиган ва узларининг умумий ишларини мустақил равишда бошқарадиган жисмоний, қушимча хусусий шахслар тупламидан ташкил топадиган ҳукукий шахс.

Биржаларни яратиш узок давом этадиган, машаккатли ва кимматга тушадиган ишдир. Одатда, бу иш ташаббускор кишиларни тупланиши, шаклланишидан бошланади ва унга кирган аъзолар кейинчалик биржани таъсис этувчилар булиб колади ва биржа рахбариятига киради. Улар булажак биржанинг кандай булиши кераклигини белгилайдилар ва унинг фаолиятини концепциясини ишлаб чиқадиладар. Хозирги яратилаётган биржалар аслини олганда универсал биржалар хисобланади. Уларда турли туман товарлар билан савдо килинади.

Биржани бошқариш унинг Уставига мувофик амалга оширилади. Биржа уз бошқарувининг тузилишини, шакли ва услубларини мустакил белгилайди.

Биржа уставида куйидагилар белгилаб берилади:

- биржанинг номи ва тури;
- биржанинг манзилгохи;
- биржа фаолиятининг сохаси ва мақсади;
- Устав фондининг микдори, муассасалар томонидан фондга улушлар киритилишининг тартиби ва муддатлари.
- даромадни таксимлаш ва мулжалланган зарарларни коплаш тартиби;
- биржа муассасалари ва аъзоларининг мулкый жавобгарлиги;
- биржанинг бошқарув идоралари, уларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколатлари;
- биржа савдо-сотиги коидаларини ишлаб чиқиш ва кабул қилиш тартиби;
- биржа аъзолигига кабул қилиш, аъзоликни вақтинча тухтатиб туриш ва тухташ тартиби, биржа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- биржани қайта тиклаш, ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Мустакил давлатлар кенгаши, шу жумладан Ўзбекистондаги ва чет элдаги жисмоний ва юридик шахс хисобланганлар, куйидаги талабларни бажаргандагина улар биржа аъзолари булишлари мумкин. (Биржа ва биржа фаолияти тугрисидаги 1992 йил 2 июль Ўзбекистон Конунининг 15-моддасида курсатилган).

Биринчидан, агар шу шахсларга тадбиркорлик билан шугулланиш конунда ман қилинмаган булса;

иккинчидан, агар улар биржа Устави ва биржа Кенгаши аъзоларига куйилган талабларга жавоб берса;

учинчидан, агар аъзоликка қирувчилар зарурий бадалларни ёки брокерлик урни учун туловларни тулай олсалар.

Биржа аъзолигига қириш фақат биржа Кенгашининг розилиги билан булади.

Биржа ички ишларини бошқариш ва бошқа субъектлар билан ҳуқуқий ташки алоқаларни урнатиш учун биржанинг рахбар ташкилоти яратилади.

Улар куйидагилардан иборат:

- биржа аъзоларининг (акционерлар, иштирокчилар) умумий йигилиши;
- биржа кумитаси, кенгаши ёки биржа уставида курсатилган бошқа ташкилотлар (Бошқарув идораси, бошқарма, тафтиш комиссияси,

Арбитраж. Хисоб палатаси, Руйхат кумитаси, савдо коидалари буйича Кумита ва бошқалар). Уларнинг фаолиятлари махсус меъёрий ҳужжатлар, Устав, биржа қарорлари ва қулланмалари билан тартибга солинади.

Биржага раҳбарлик қилишнинг энг олий органи биржа аъзоларининг (акционерларнинг) умумий йиғилиши (мажлиси) ҳисобланади. Бу йиғилиш бир йилда бир марта бўлади. Йиғилишлар уртасидаги фарқ, одатда 15 ойдан ошмайди. Умумий йиғилиш қуйидаги масалаларни ҳал этади:

- Уставни тасдиқлайди, унга узгаришлар ва қушимчалар киритади;
- Биржа Кенгаши тугрисидаги Қулланмани тасдиқлайди, қушимчалар ва узгаришлар киритади;
- шубҳа қорхоналар ва бошқа алоҳида фирмаларни, бўлинмаларни яратади ва зарур ҳолларда тугатади;
- Директорлар кенгаши (Биржа кенгаши) га тушган шикоятларни қуриб чиқади;
- биржа фаолияти натижалари тугрисидаги йиллик ҳисоботларни, тафтиш комиссияси ҳулосаларини, даромад ва зарарлар ҳисобини тасдиқлайди.

Умумий йиғилишлар орасидаги энг олий орган раҳбарлик органи бўлиб, Биржа Кенгаши ҳисобланади. Унинг сони ва ҳар бир шахс буйича таркибини акционерларнинг умумий йиғилиши белгилайди. Биржа Кенгаши зарур бўлмаган барча масалаларни ҳал этади. Унинг ҳуқуқлари махсус қулланма билан белгиланади. Биржанинг қундалик маъмурий - ҳужалик ва тижорат фаолиятларига маъмурият раҳбарлик қилади.

Биржа қуйидаги вазифаларни бажаради:

- биржа савдо-сотикни утқозиш учун шароит яратиб бериш;
- биржа операцияларини тартибга солиб бориш;
- товарларга бўлган талаб ва таклифлар нисбати асосида нарх-навони белгилаш;
- биржа аъзолари ва миқддорларига ташкилий йўсиндаги ҳамда бошқа тур хизматлар қўрсатиш;
- мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) нарх наво аниқланишига, индексацияси ва узгаришига, савдо-сотик вақти, товарлар, битим ҳажмларини аниқлаш.

2.2. Таъсисчилар таркибини аниқлаш ва таъсисчилар шартномасини тузиш.

Биржаларнинг яратишда уларни таъсис этувчилар сони ва таркибини аниқлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Биржа турлича статусга эга бўлиши мумкин, хусусий қорхона, ёпик ёки очик шаклдаги акционерлик жамияти, аралаш тарздаги шерикчилик уюшмаси ва ҳаттоки давлат қорхонаси бўлиши мумкин.

Биржалар юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан таъсис этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасига раҳбарлик қилувчи ташкилотлар (идоралар) ҳам товар биржаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Биржаларни таъсис этувчилар сони канча куп булса, уларнинг молиявий-моддий ахволи хам шунча мустакил булади, улар биржага шунча куп ёрдам курсатишлари мумкин. Лекин биржа рахбарлар сонини купайиши унга рахбарлик килишни мураккаблаштиради.

Таъсис этувчилар сони аникланиб булинганидан сунг, улар узаро таъсис шартномасини тузадилар. Шартномада биржа номи, устав фонди, киймати, фаолият соҳаси ва йуналишларини, биржани яратиш буйича молиявий хужжатларни, бадалларни куйиш усуллари ва шаклларини, жавобгарлик ва шунга ухшашлар буйича ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ белгилайдилар.

Таъсис хужжатларини тайёрлаш, биржанинг устав фондини аниклаш, акцияларга обуна булиш ва брокерлик жойларини сотиб олиш ишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Шартномада иштирокчилардан бирига таъсис хужжатларини тайёрлаш, ташкил этилаётган биржани руйхатдан утказиш топширилди. Шунини билиш керакки, биржа аъзолари сифатида унинг таркибига бир вақтнинг узида биржани таъсис этувчилар киради.

Тайёрлов ишлари буйича сарф-харажатлар жамият ёки бошқа ташкилотларнинг катнашчилари маблағлари ҳисобига уларни кушган улушларига мос миқдорда аванслаштиради. Шу асосда умумий ишларни олиб бориш учун ишонч қогози берилади.

Биржанинг устав фонди республикамизда 50 минг сумдан кам булмаслиги керак. Устав фондининг аниқ миқдори биржанинг йириклигига ва вазифаларига, уни оборотига, иштирокчилар сони ва хоказоларга боғлиқ булади.

Устав фондининг энг кам миқдори ҳар йили нарх-наво даражасининг узғаришига мувофиқ равишда қонунларда белгиланган тартибда индексация қилиниши, яъни даврлар нисбати олиниши лозим.

Биржаларни пайчилар ёки акционерлик жамиятлари сифатида яратилиши тугрисидаги қарорни таъсис конференцияси қабул қилади. Конференция биржа уставини тасдиқлайди: устав фондини қамайтириши ёки ошириш тугрисида қарор қабул қилади: биржа ташкилотини сайлайди: ёки биржани яратиш жараёнидаги таъсис этувчилар битимини мақуллайди; натура шаклида қуйилган қиримларнинг қийматини аниқлайди. Таъсис конференцияси, шунингдек, товар биржасидаги товар секциялари турини қурсатади ва биржа савдоси қоидаларини тасдиқлайди.

2. 3. Биржа ташкилотларини ташкил этиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида биржа фаолияти ва ташкилотларини ташкил этиш ишлари яна қайтадан авж олиб кетди. Чунки биржа бозор инфраструктурасининг асосини ташкил этади. Бутун мустакил давлатлар буйича турт юздан ортиқ ташкилотлар узларини биржа деб ҳисоблайдилар. Россияда икки юздан ортиқ биржалар бугунги қунда руйхатдан утқазилган.

Энг йирик биржалар қаторида "Россия товар-ҳом ашё биржаси" акционерлик жамиятини қурсатиш мумкин. Бу биржа 1990 йилнинг май ойида яна бир қатта "Москва" товар биржаси номли акционерлик жамияти ташкил

этилган. Волга буйида ташкил этилган энг йирик биржалардан "Самара" биржасидир.

Бозор иктисодиёти шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади халқнинг тобора усиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тулик қондиришдан иборатдир. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан-техника тараққиёти асосида унинг самарадорлигини ошириш, модий ноз-неъматлар истеъмол қилишнинг тобора усиб бораётган талабини, шахсининг маънавий камол топиши, ижодий ва сиёсий фаоллигининг усиши учун шарт-шароитлар яратди.

Республикамизда биржа муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиши иктисодий ҳаётимиздаги бетакрор ходисалардан бири бўлди.

Республикамизда биржа ҳаракати зарур заминга эга булмаган ҳолда бошланган булса ҳам, у тўрт йил давомида ҳал қилувчи муваф-фақиятларга эришди.

Хозирги даврда республика биржа савдоси мустакил республикамизнинг иктисодий сиёсатига боғлиқ бўлган ҳолда иктисодий ҳаётимизга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳукукий масалалари аниқланмагани сабабли ҳозиргача биржанинг шаклланишини унинг фаолиятини тартибга солувчи ва ҳукукий кафолат берувчи қонунлар йўқ эди. Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг "Биржалар ва биржа фаолияти тугрисидаги" қонуни Республикада биржа фаолиятини тартибга солиш ва идора қилиш билан боғланган. Республика биржа ҳаракатини саклаб қолиш ва қўлқўси таракқиёти учун шарт-шароит вужудга келтиришга жаҳон биржа фаолиятининг тажрибасидан ва халқаро меъёрлар, андозаларига мос келадиган, бизлар учун янгидан-янги усул ва шакллари синаб қўриш, улардан энг қўлай ва самаралиларини танлаб олиш лозим.

Биржаларда қандай товар сотилиши ва харид қилинишига қараб уларнинг муайян ихтисослашишуви руй беради. Масалан пахта, кахва, какао, канд шакар биржалари мавжуд. Биржаларда алюминий, никель, бензин, мазут, корамол, чарм, тухум, ер ёнгоқ, сариёғ, апельсин шарбатининг концентрати ва бошқа махсулотларни харид қилиш мумкин. Жаҳондаги товар биржа оборотининг салкам 50 фоизини ҳозир қишлоқ хужалиғи махсулотлари ташкил этади, қолган 50 фоизини минерал ҳом ашё ва ярим тайёр махсулотлар (нефть, нефть махсулотлари, қимматбаҳо тошлар) ҳиссасига тугри келади. Физик молларнинг жаҳондаги бутун биржа айланиши йилига тахминан 3,5-4 триллион доллар деб баҳоланган.

1993 йилнинг бошларига келиб 12 мартда республикамизда 30 та биржа руйхатдан утказилган булса, кейинчалик уларнинг сони камайиб куплари тугатилиб, айримлари савдо уйлари ёки бошка ташкилотларга айлантирилди. Бунга сабаб шуки, улар конунга кура 50 минг сумлик Устав фондига эга була олмаган. Уларнинг куплари давлат моддий-техника таъминоти тизимида воситачи булиб хизмат килган, айримлари янгича ном билан бозорда уз мавкеъларини саклаб колишга интилган тижорат туридаги уртада турган (воситачи) ташкилотлар булган. 1993 йилнинг бошларига келиб, Ўзбекистон Республикасининг "Биржалар ва биржа фаолияти туғрисидаги" конунига

мувофик агросаноат акционер жамиятининг "Ўзбекистон" биржаси, "Андижон" товар хом ашё биржаси, "Наманган" акционерлик жамияти универсал товар биржаси, Кашкадарёда "Насаф" товар биржаси уз фаолиятини бошлаган.

2.4. Ким ошди савдосининг коида ва усуллари.

Бозор шароитида давлат мулкни танлов асосида ҳамда Ким ошди савдоларида сотиш оркали мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шаклларида янада кенгрок фойдаланиладиган бўлиб қолди. Дастлабки Ким ошди савдосининг тажрибаси шуни курсатдики, бу шакл жуда истикболли бўлиб, унда янги мулкдорларнинг тобора купрок қисми қатнашмоқда. Хозирги вақтда қоида тариқасида Ким ошди савдоси оркали савдо ва хизмат курсатиш соҳаси объектлари-дуқонлар, ресторанлар, меҳмонхоналар ва бошқалар сотилмоқда ва уларнинг амалдаги сотиш нархлари уларнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлмоқда.

Қўтара воситачилар уч гуруҳга бўлинадилар; қўтара воситачилар, улар товарга эга бўлиш ҳуқуқини олувчилар; қўтара воситачилар товарга эғалиқ қилиш ҳуқуқини олмайдиганлар; ихтисослашган қўтара воситачилар товарга эғалиқ қилиш ҳуқуқига эгалар. Улар ҳеч қимга боғлиқ бўлмаган эркин тижорат қорхона ва ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар, ўзлари сотиб олган товарларга эғалиқ ҳуқуқини олувчилар, шу билан боғлиқ тижорат таваккалчилигини, товарларини бузилиши, йуқолиши, ўғирланиши ва уларни жисмоний эскириши ҳисобига қамайишини ўзига олувчилар. Маълумки қўтара, тижорат қўтара воситачилар тўла хизмат қўрсатиш имқони ва эркин тижорат қўтара воситачилар чекланган хизмат қўрсатиш имқони билан бўлиши мумкин. Эркин тижорат қўтара воситачилар тўла хизмат қўрсатиш цикли билан булар қорхона ва ташкилотлар, маҳсулот сотиш қараёнида қатнашувчилар ва маҳсулот берувчиларга ва уни истеъмол қилувчига тўла мажмуа хизматини савдо бўйича бажа-радиғанлардир. Улар қарурий товар ассортиментини танлайдилар ва уни бир маълум қойға тўплайдилар. Маҳсулот берувчиларга ва олувчиларга тижорат қредитини берадилар, маҳсулотни омборларга қойлайдилар ва сақлайдилар. Маҳсулотни ташишда маркетинг изланишида ва режалаштирилишида ёрдам қўрсатадилар, сервис ва таъмирлаш хизматини бажарадилар. Эркин қўтара тижорат воситачилар чекланган хизмат қўрсатиш цикли бўйича булар қорхона, ташкилотлар, алоҳида шахслар, маҳсулот сотилишида иштирок этувчилар ва товарга уни сотиб олишда мулк эғалиғи ҳуқуқини олувчилардир. Уларнинг қаридорларга қўрсатадиган хизматларини рўйхати сезиларли қаражада тордир.

Оддий аукцион сотувчи ёки қаридорларнинг қаробатчиларидир.

Фонд бозорининг ётарли қаражада қенглиғи туфайли аукционнинг икки томонлама тизими самаралироқдир. У сотувчи ва қаридорлар уртасидаги қаробат меъёрини белғилайди. Икки томонлама аукционлар биржа савдосини ташкил этиш шакли бўйича фонд бозори табиатига тулик қавоб беради. Аукционни утқазиш техникаси нуқтаи назаридан аукцион овозли ва оғзаки бўлиши мумкин. Шу билан бирға биржа воситачилари йиғилишиб портфелда қойлашган миқозлар талабномасини оғзаки солиштирадилар. Бу ишлар сотиш

ва сотиб олиш уртасидаги мувозанатни тенглаштириш мақсадида бажарилади. Аукционер йигилганлар атрофида алоҳида қимматли қозғалар нарҳини бирма бир қичкириб айтган. Аукцион иштирокчилари қичкириш ҳақида эълон қилингандан сунг узларини қирқларини қичкириб айтганлар. Масалан қимматли қозғаларни қайси нарҳда олишга қози эканлиқлари ва қотиш ҳақидаги нарҳни қичкириб айтганлар.

Хулоса.

Шундай қилиб биржаларни қратиш жуда машаққатли иш бўлиб уни ташаббусқор қишилар бирқалиқда, яъни биржага аъзо бўлган шахслар бу ишда қоал иштирок этадилар.

Биржаларни қратишда уларни таъсис этувқилар қони ва тарқибини аниқлаш масаласи ҳал қилувқи аҳамиятга эгадир. Биржа турлиқа статусга эгс бўлиши мумқин, ҳусусий қорқона, ёпик ёқи очик шаклдаги акционерлиқ қамияти, аралаш тарздаги шерикқилиқ уюшмаси ва ҳаттоқи давлат қорқонаси бўлиши мумқин.

Таъсис этувқилар қони аниқланиб бўлинганидан сунг, улар узаро таъсис шартномасини тузадилар. Шартномада биржа номи, устав қонди, қиймати, қоолият соҳаси ва йуналишларини, биржани қратиш бўйиқа молиявий ҳужжатларни, бадалларни қуйиш усуллари ва шаклларини, қавобқарлиқ ва шунга уқшашлар бўйиқа ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ белқилайдилар.

Хозирқи вақтда қоида тариқасида Қим ошди савдоси орқали савдо ва ҳизмат қурсатиш соҳаси объектлари-дуқонлар, ресторанлар, меҳмонқоналар ва бошқалар қотилмоқда ва уларнинг амалдаги қотиш нарҳлари уларнинг бошланғиқ қийматидадан анча юқори бўлмоқда.

Фонд бозорининг етарли даражада қенглиқи туфайли аукционнинг иққи томонлама тизими самаралироқдир. У қотувқи ва ҳаридорлар уртасидаги рақобат меъёрини белқилайди. Иққи томонлама аукционлар биржа савдосини ташқил этиш шакли бўйиқа фонд бозори табиатиға тулиқ қавоб беради.

Таянч иборалар

Концепция, таъсис этувқилар, статус, шерикқилиқ уюшмаси, молиявий-моддий аҳволи, устав қонди, акция, индексация, натура шакли.

Назорат учун саволлар:

1. Биржа қандай ташқил этилади?
2. Биржани бошқариш нима асосида олиб борилади?
3. Биржани ташқил этишда унинг принципиал аҳамияти нимадан иборат?
4. Таъсисқилар тарқибни қандай аниқланади?
5. Биржанинг асосий принципларини санаб утинг.
6. Қушма қорқоналар қандай ташқил этилади?
6. Қушма қорқоналар қандай назорат қилинади?
7. Қим ошди савдоси қай тартибда утқазилади?
8. Аукционнинг қандай турларини биласиз?
9. Биржада маҳсулотлар қандай сақланади?
10. Сервис ва таъмирлаш ҳизмати қандай функцияларни бажаради?

Асосий адабиётлар

1. Биржа ва биржа хакидаги конун. Тошкент. 2002.
2. Кушма корхоналар хакидаги конун. Тошкент. 2002.
3. Марн Майкл. Ценовое преимущество. - М.: Альпина-Бизнес Букс, 2004.
4. Салимжанов И.К., Португалова О.В., Новиков В.Е. и др. Цены и ценообразование. - М.: ТК Велби, изд-во проспект, 2004. - 360 с

Бу мавзуда интерактив усулидан фойдаланиб талабаларнинг фикрлаш қобилияти урганилади ва баҳоланади.

3 мавзу. Биржани бошқариш ҳукуки ва шакллари.

1. Товар биржаларини ҳукукий бошқариш.
2. Биржа аъзолари ва катнашчиларининг биржа битимларини тузишдаги ҳуқуқлари.
3. Фонд биржаларини ҳукукий бошқариш

3.1. Товар биржаларини ҳукукий бошқариш.

Товар биржаларини ҳукукий бошқариш асослари “Товар биржалари ва биржа савдоси хақида”ги қонуни, биржада қабул қилинган бошқа қонуний маъёрий ва расмий ҳужжатлар билан тасдиқланган. Буларга: биржа устави, биржа савдоси қоидалари, биржанинг арбитраж комиссияси ва тортишувларни ҳал қилиш тартиби хақидаги қоида низомлардир.

Товар биржаси - бу маълум вақт ва жойда тасдиқланган қоида, биржа савдоларини ташкил этиш ва улғуржи савдолари асосида фаолият олиб боровчи юридик шахс ташкилотларидир.

Товар биржалари фаолиятининг асосий максади биржа савдосини ташкил этиш ва бошқаришдир.

Товар биржаси қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли эмас: биржа савдоси ташкилотларига боғлиқ бўлмаган савдо воситачилик фаолиятига ташкилотнинг акциялари, пул ҳисса қушилмаларини амалга оширишга, пай (ҳисса) га эга бўлишга ва б.к.

Биржа фаолияти деганда амалга ошириладиган биржа битимларини тузилиши тушунилади. Биржа битимлари – бу биржа савдосида биржа товари муомаласида биржа савдоси катнашчилари томонидан тузиладиган, рўйхатдан ўтказилган биржа шартномаларидир. Бу талабларга жавоб бермайдиган битимлар биржа битимларига қирмайди ва биржа қафолати сифатида тарқатилмайди. Шу сабабли биржа битими биржа товари сифатида тузилмайди.

Биржа товари бу стандарт шартнома асосида ва биржа томонидан биржа савдосига руҳсат этилган, маълум тур ва сифатга эга бўлган товарлардир.

- Биржа битимлари, яъни аниқ товарлар муомаласини мажбурийат ва ҳуқуқларини биргаликда ўзатиш;

- форворд битимлари, яъни товарларни етказиб беришни муддати ўзайтирилган битимлари;

- опцион битимлар, яъни биржа товарларини етказиб беришдаги шартномаларни тузишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга ён бериш.

Биржа ҳақидаги қонунда биржа ташкилий-ҳуқуқий шакллари узиғалиши мумкин фармойишга эга эмас. Шу билан бирга Биржа ҳақидаги қонунни таҳдид қилиш биржа унитар корхона бўлмайди, биржанинг ҳар бир аъзоси ва таъсисчилари устав капиталида узининг хиссасини 10 фоиздан оширолмайди, қонунда тасдиқланишича биржа аъзоларининг хусусиятлари, уни бошқаларига қаратилган ва очик акционер жамияти сифатида шаклланишига имкон яратмайди.

Шундай қилиб биржа ташкилотларида қатнашиши ҳуқуқига қуйидагилар эга эмас:

- Бошқарув ва давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органлари
- кредит ташкилотлари
- сугурта ва инвестиция компаниялари маблағлари
- жамоа, диний, хайрия ташкилотлари ва маблағлар.
- тадбиркорлик фаолиятини қонун қучи билан амалга оширолмайдиган жисмоний шахслар.

Биржа фаолияти лицензия туридаги қонун фаолиятига тегишли. Лицензиялар Республика ҳуқудудида товар биржалари фаолиятини лицензиялаш қоидалари ҳақидаги низом асосида товар биржалари комиссияси асосида томонидан берилади.

Биржа савдоси иштирокчилари ва биржа савдо қатнашлари ва биржа аъзолари ҳисобланади. Биржа аъзолари – биржа мулкига аъзолик бадалларини қиритувчи ва устав капиталини шакллантиришда иштирок этувчи шахслар биржага аъзолик таъсисчилар ҳужжатларини тартиб асосида белгилаш орқали амалга оширилади. Биржага аъзолик биржа савдосида қатнашиши, умумий мажлисларда қарорлар қабул қилиш, шунингдек бошқа бошқарув органларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб дивидентлар олиш агарда таъсисчилар ҳужжатларида белгиланган бўлса ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

Биржа аъзолари биржа савдосидан ташқарида биржанинг давлат руйхатидан утган вақтдан бошлаб алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Биржа ҳақидаги қонунда биржа аъзоларининг икки категорияси мавжуд:

А)тулик аъзолар биржа савдосининг ҳар бир секциясида қатнашиш ҳуқуқига эга, биржанинг секциясининг умумий мажлисларида қатнашувчилар.

Б)тулик бўлмаган аъзолар биржа савдосининг маълум секцияларида қатнашувчи ва биржа умум мажлислари қатнашувчилар.

Биржа савдосининг қатнашувчилари бу биржа аъзолари бўлмаган, биржанинг таъсисчилари бўлган биржа ҳужжатлари асосида битимларини амалга ошириш ҳуқуқига эга шахслардир.

3.2. Биржа аъзолари ва қатнашчиларининг биржа битимларини тузишдаги ҳуқуқлари

Биржа аъзолари ва катнашчилари биржа битимларини тузишда ҳақлидирлар:

- брокер сифатида бевосита бтржа савдосининг катнашчилари булса,
- фирмалар ва мустакил брокерлар билан,
- ташкилий ва брокерлик ташкилотлари билан,
- брокерлик фирмалари, брокерлик идоралари шартнома асосида,
- мустакил брокерлар, яъни биржа воситачилари билан,
- бевосита уз ном ива аник товарлар савдосида уз хисоби билан,
- биржа воситачилик ҳуқуқиға эға булмасдан.

Биржа ҳақидаги конун аник биржадаги доимий савдо катнашчиларини катнашиш вақтини уч йилгача чегаралаб қуяди ва уларнинг уму мий сони биржа аъзоларининг умумий сонининг 30 фоиздан ошмайди.

Бир марта катнашувчилар факат аник товарларға битим тузишға ҳақлидирлар ва улар уз номлари ва хисобларига тузадилар.

Биржа савдоларига тузиладиган биржа битимларини биржа брокерлари томонидан амалға оширилади.

Биржа савдосида ОПЦИОН ва ФЬЮЧЕРС битимларини амалға оширувчи биржа воситачилари ва биржа брокерларини фаолияти лицензияланган.

Биржа битимлари биржанинг уз номи ва хисобидан тузилиши мумкин эмас. Ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси булмай туриб, БИРЖА биржа битимлари мажбуриятларини бажарилмаслигини жавабгарлигини уз зиммасига ола олмайди. Шу билан бирга конун биржа савдосида айрим кафолатларни кузда тутди. Форвард, фьючерс ва опцион битимларни тузилишини бажарилишини амалға ошириш мақсадида биржа хисоб хизматларини хисоб ташкилотлари (клиринг марказлари) тузиш йули билан ёки кредит ташкилотлари билан шартнома тузиш асосида клиринг хисоб хизматини ташкил этишға мажбур. Булардан ташқари, биржа савдосида эркин нарх белгиланган конун асосида кафолатланади.

Биржаға биржа товарига нархни белгилаш ва чегаралаш, биржа воситачиларидан олинадиган мукофотлаш меъёрларини белгилаш биржаға таъикланади. Шу билан бирга биржа уз фойдасига биржа воситачиларидан олинадиган комиссия, биржа аъзолари ва биржа савдоси иштирокчиларига курсатилган хизматлари учун биржа савдоси коида ва низомларини бузганликлари сабабли улардан жарима олишға ҳақлидирлар. Биржа савдосини ташкил этишда биржанинг асосий вазифасига кириб, унинг мажбуриятига биржа савдоси иштирокчиларининг талабларига биноан аник товарлар сифатини экспертиза қилиш ҳам қиради.

Биржа битимларини тузиш билан вужудға келадиган тортишувлар, биржа арбитражи комиссиясида қурилади ҳамда биржа томонидан тасдиқланган низом асосида амал қилади ва улар устидан чора қурилади. Товар биржалари фаолияти ва уни ташкил этишини давлат назоратини конун белгилайди. Давлат бошқаруви ва назорати махсус ташкил этилган товар биржа комиссияси биржа савдосини лицензиясини белгилайди, биржанинг конунга риоя қилишини назорат қилади. Анна шу вунқцияларни бажариш учун

коммссия лицензияларини беришдан бош тортган лицензияларни тухтатиш ёки бекор қилиш, биржа савдоси қоидаларига узгартиришлар киритиш, биржа ва биржа воситачиларига қонун бузарлик ҳолатларида қонунда белгиланган санкцияларни қўллашга бир қанча вакилларни белгилаган.

Биржа ва биржа воситачиларини қонунга амал қилишларини бевосита назорат қилиш товар биржа комиссияси томонидан белгиланган давлат комиссиялари амалга оширади.

Давлат комиссари қуйидаги вазифаларни бажаришга ҳақлидир:

- биржа савдосида қатнашишга;
- биржа фаолияти ахборотлари билан танишишига;
- биржа аъзолари ва секция аъзоларининг умумий мажлисларида овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашишига;
- давлат комиссиялари бажарилиши лозим бўлган қарорларни мустақил қабул қилишга ҳақли эмас;
- товар биржалари комиссиясига узининг таклифларини киритиш ва комиссия қарорларини бажарилишини назорат қилиш мумкин.

3.3. Фонд биржаларини ҳуқуқий бошқариш

Фонд биржалари низомининг ҳуқуқий асослари, “Қимматли қогозлар бозори ҳақида”ги қонун билан тасдиқланган. Ана шу қонуннинг 11- моддасида фонд биржаси деб қимматли қогозлар бозорида савдони ташкил этувчи (савдони бошқа тур фаолиятини бу турга аралаштирмасдан) бундан истисно ҳолда депозитар фаолияти ва икки томоннинг узаро мажбуриятларини аниқлаш фаолияти ҳам ҳисобланади.

Қимматли қогозлар бозори савдосини ташкил этиш фаолияти деб қиммат қогозлар бозори иштирокчилари ҳамда қимматли қогозлар Билан фуқаро – ҳуқуқий битимлар тузишда бевосита ёрдам бериш учун хизмат курсатишни қонун қўзда тутди.

Қимматли қогозлар бозори савдосини ташкил этувчилар учун меъёрий ҳужжатлар Билан талаблар белгиланган, шу Билан бирга уларнинг мажбуриятлари аниқланган.

Савдо ташкилотлари барча қизиқувчи шахсларга қуйидагиларни белгилаб беради:

- қимматли қогозлар бозори иштирокчиларига савдони бошлаш қоидасини;
- битимлар тузилиши қоидаси ва уни текшириш;
- битимларни рўйхатга қуйиш қоидасини;
- битимларни амалга ошириш қоидаларини;
- нархни белгилашни чегаралаш қоидаларини;
- савдо ташкилотларини хизмат курсатиш жадвалларини;
- юқори курсатилган вазиятлар бўйича узгартириш киритилиши ва тулдирилишини регламентлаш;
- савдога киритилган қимматли қогозлар рўйхатини;
- савдо қоидалари томонидан тузилган битимлар ҳақидаги ахборотни.

Савдони ташкил этиш фаолияти фонд биржасини аниклаш розилиги асосида савдо ташкилотлари билан фақат депозитар ва клиринг фаолияти билан бирга олиб бориши мумкин.

Депозитар фаолияти кимматли коғозлар бозорида касбий фаолиятлардан бири бўлиб кимматли коғозлар сертификатини сақлаш учун хизмат килади.

Клиринг – бу икки томон мажбуриятлари (бухгалтерия хужжатларини тайёрлаш, йиғиш, текшириш, кимматли коғозлар битими ҳақидаги ахборотларни тугрилаш) кимматли коғозларни етказиб бериш ва улар ҳисобини олишни синаш.

Фонд биржаси юридик шахс бўлиб, нотижорат шерикчилик сифатида ташкил этилади. Фонд биржасининг асосий максоди – очик ва оммавийлиги биржа аъзоларини савдони утказиш жойи ва вақти билан таъминлайди. Шу билан бирга биржада муомалага кировчи кимматли коғозлар котировкаси (наrx белгилаш) ҳақидаги руйхатини ҳамда савдо секцияларни натижаларини таъминлашда фонд биржаси биржада муомалага киритилган кимматли коғозлар руйхатига куйиш жараёнларини мустакил белгилашга ҳақлидир.

Фонд биржаси савдони фақат биржа аъзолари орасида ташкил этади. Бошқа кимматли коғозлар бозори иштирокчилари биржадаги жараёнларни фақат воситачилар орқали амалга оширишлари мумкин.

Хаар қандай малакали кимматли коғозлар бозори қатнашчилари фонд биржаси аъзолари бўлиши мумкин. Улар клиринг, брокерлик, дилерлик ҳамда кимматли коғозларни бошқариш бўйича бозорда малакавий фаолиятни амалга оширадilar.

Хулоса

Биржа ҳақидаги қонунда биржа ташкилий-ҳуқуқий шакллари узиға олиши мумкин қармоғишға эға эмас. Шу билан бирга Биржа ҳақидаги қонунни таҳдид қилиш биржа унитар қорхона бўлмайди, биржанинғ ҳар бир аъзоси ва таъсисчилари устав қапталида узининг ҳиссасини 10 фойздан оширолмайди, қонунда тасдиқланишича биржа аъзоларининг ҳусусиятлари, уни бошқаларига қаратилган ва очик акционер жамияти сифатида шаклланишиға имқон яратмайди.

Фонд биржалари низомининг ҳуқуқий асослари, “Қимматли коғозлар бозори ҳақида”ги қонун билан тасдиқланган. Ана шу қонуннинг 11- моддасида фонд биржаси деб қимматли коғозлар бозорида савдони ташкил этувчи (савдони бошқа тур фаолиятини бу турға аралаштирмасдан) бундан истисно ҳолда депозитар фаолияти ва икки томоннинг узаро мажбуриятларини аниқлаш фаолияти ҳам ҳисобланади.

Қимматли коғозлар бозори савдосини ташкил этиш фаолияти деб қиммат коғозлар бозори иштирокчилари ҳамда қимматли коғозлар билан фуқаро – ҳуқуқий битимлар тузишда бевосита ёрдам бериш учун хизмат қурсатишни қонун қузда туғади.

Фонд биржаси юридик шахс бўлиб, нотижорат шерикчилик сифатида ташкил этилади. Фонд биржасининг асосий максоди – очик ва оммавийлиги биржа аъзоларини савдони утказиш жойи ва вақти билан таъминлайди. Шу билан бирга биржада муомалага кировчи қимматли коғозлар котировкаси (наrx

белгилаш) хакидаги руйхатини хамда савдо секцияларни натижаларини таъминлашда фонд биржаси биржада муомалага киритилган кимматли коғозлар руйхатига куйиш жараёнларини мустакил белгилашга ҳақлидир.

Таянч иборалар

Ҳукукий бошқариш, биржа устави, арбитраж комиссияси, улгуржи савдо, биржа шартномаси, биржа қафолати, опцион битимлар, маҳаллий орган, кредит ташкилотлари, хайрия ташкилоти, устав капитали, дивиденд олиш.

Назорат учун саволлар

1. Товар биржаси савдоси қандай ҳуқуқлар асосида ташкил этилади?
2. Биржа битимлари қандай руйхатдан утқазилади?
3. Опцион битимлар биржа товарларини етказиб беришда қандай мажбуриятларга эга?
4. Биржа ташкилотларида биржа аъзоларининг катнашиши қандай қоидалар асосида олиб борилади?
5. Биржа фаолиятида лицензия қандай рол уйнайди?
6. Биржа қонунида қурсатилганидек биржа аъзоларини қандай категорияларга ажратиш мумкин?
7. Давлат комиссари қандай вазифаларни бажаришга ҳақли ?
8. Фонд биржасининг асосий максоди нимадан иборат?
9. Кимматли коғозлар бозори савдосини ташкил этиш фаолияти деб нимага айтилади?
10. “Кимматли коғозлар бозори ҳақида “ти қонун қачон чиққан?

Асосий адабиётлар

1. Биржа ва биржа ҳақидаги қонун. Тошкент. 2002.
2. Қушма қорхоналар ҳақидаги қонун. Тошкент. 2002.
3. Марн Майкл. Ценовое преимущество. - М.: Альпина-Бизнес Букс, 2004.
4. Салимжанов И.К., Португалова О.В., Новиков В.Е. и др. Цены и ценообразование. - М.: ТК Велби, изд-во проспект, 2004. - 360 с

Мавзу 4. Биржа фаолиятининг функцияси

1. Биржа фаолиятининг функциялари ҳақида тушунча.
2. Биржа фаолиятининг ахбороти.
3. Биржа савдогарчилиги ва биржа сугуртаси.
4. Республика қорхоналари ва чет эл қорхоналари орасида ҳужалик алоқаларини амалга ошириш.

4.1. Биржа фаолиятининг функциялари ҳақида тушунча.

Биржа ва брокерлик идоралари, одатда, кенг доирадаги фаолият турларини амалга оширади. Аввало улар савдо битимларини тузиш, улгуржи савдони ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича жуда қўп хилдаги воситачилик хизматларини бажарадилар. Одатда улар қатта ҳажмда наширётчилик фаолиятини олиб борадилар. Биржа бюллетенлари, қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқаларни чиқаради. Булардан ташқари улар турли хил товарлар, баҳолар бозори, қелғуси даврга бўладиган талаб ва тақлифни узғариш

холати тугрисидаги маълумотларни туплайдилар, урганадилар. Биржалар кенг доирада консультация, маслаҳат бериш ва шу каби хизматларни бажарадилар. Улар билан яхши доимий муносабатларни саклаб туриш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда корхоналар биржалар билан маълум хил шартномалар тузишлари мумкин.

Биржалар ва брокерлик идоралари фаолияти факат шулар билан копланиб қолмайди. Улар қўпгина маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматларни бажариш соҳасида жуда қўп хилдаги фаолият турларини бажара оладилар, қўшма корхоналар яратадилар, сугурта, молия-кредит ва коммерция операцияларини бажарадилар. Қўп ҳолларда биржа ва брокерлик идоралари қўп қиррали фаолиятни амалга оширувчи ташкилотдир. Шунинг учун уларни яратишда ана шу қўп қиррали фаолиятни имконият бўйича Уставда акс эттириш зарур.

Брокерлар ва биржа миқозлари шунинг ёдда тутишлари зарурки, биржа анчагина катта ҳудудига эга. Биржалар ўз Уставида ҳудуд доирасида фаолиятнинг тартиб ва қоидаларини белгилашга ҳақлидир. Уларга риоя қилмаслик ёмон салбий оқибатларга олиб келади.

Биржалар, шунингдек, ўзида сотиладиган товарлар рўйхатини аниқлаши, хусусий биржа стандартларини, ухшаш биржа контрактларини ишлаб чиқиши, биржадаги талашув-тортишув (қелишмовчиликлар) бўйича қарорлар қабул қилиши, вақтинча савдони тўхтатиб қўйиши, ўз хизмати учун туловлар белгилаши, Уставни ва савдо қоидаси, шунга ухшашларни бузганлиги учун санкциялар юклаши мумкин. Аммо ҳар бир биржа шу ва бошқа масалаларни ўзича ҳал этиши мумкин. Демак, турли хил биржалардаги қоида ва талаблар бир хил эмас. Яна шунинг айтиш қеракки, биржа ва уларда амал қилаётган брокерлик идоралари мустиқ ҳудудий шахс ҳисобланадилар. Улар ўз фаолиятларида ўзвий боғлиқдирлар, лекин бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Биржа функцияларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида савдони олиб бориш ва ташкил этишни автоматлаштириш программалари йўлга қўйилган. Ҳозирги вақтда қўидаги функциялар автоматлаштирилган:

- савдога тушаётган буюртмаларни йиғиш ва рўйхатга олиш;
- биржа қоидаларига риоя қилган ҳолда буюртмаларини тўғри қўбул қилиш устидан назорат;
- брокерлар билан миқозлар алоқасини ташкил этиш;
- талаб ва тақлифни қондира оладиган буюртмалар рўйхатини йиғиб бериш;
- биржа хизматларига ва брокерлик фирмаларига қеракли ахборотларни етказиш;

- савдо олиб бориш жараёнида қеракли маълумотлар етказиб туриш (савдога қўйилган товарлар ҳақидаги маълумотлар чиқариш);

- ахборотларни таблода чиқариш; биржа қенгашининг ҳулосаларини қўрсатиш; биржа фаолиятидаги турли хил товарлар рекламаларини эълон қилиш; битим тузишни назорат қилиш; битим тузилган вақти ҳақида ахборот

бериш; архив материалларини олиб бериш; бошка биржалардан қабул қилинган буюртма асосида битимлар тузишни ташкил этиш.

4.2. Биржанинг ахборот фаолияти.

Ахборотнинг тақдим этилиши савдо қатнашчилари учун қатта аҳамиятга эга.

Битимлар тузилганлиги ҳақидаги тулик, аниқ, уз вақтида келган ахборот бозор шароитини таҳлил этиб тугри қарорларга қилишга ёрдам беради.

Биржа ахбороти хорижий ва (сводная) бўлади.

Хорижий ахборот – бу биржадаги сунги битимлар ҳақидаги ахборотдир. Ушбу ахборот жорий пайтдаги вазиятни тез баҳолаш учун зарур. Қуп биржаларда бу ахборот таблоларда югурувчи қатор сифатида чиқади ва “тиккер ахбороти” деб аталади. Фонд биржаларда ушбу ахборот қуйидаги маълумотларни қурсатади: компания белгиси; акция тури; битимдаги акциялар сони ва бир дона акция нархи. “Тиккер ахборот” номаси бўйича бозордаги вазиятни аниқ таҳлил қилиб бўлмайди, шунинг учун ахборотни индивидуал ахборот тизимидан олгани маъқулроқ. ММВБ давлат қиска муддатли қупонсиз облигация бўйича савдо қатнашчилари компьютердан қуйидаги маълумотларни олади:

- облигацияга талабнинг жорий нархи.
- облигацияга тақлифнинг жорий нархи.
- очиш нархи.
- жорий қуннинг энг қаланд нархи.
- кейинги қуннинг ёпиш нархи.
- ҳозирги пайтдаги сунги нарх ва очиш нархи орасидаги фарқ.
- ҳозирги пайтдаги қойда.
- савдо тизимидаги резерв қилинган қом-ашё объёми.
- ҳозирги пайтдаги тузилган битимларнинг объёми.

Жорий ахборот тижорат қирини уз ичига олиб унга рұхсат қакатгина савдо қатнашчиларига берилган.

Маълумот ахбороти – бу биржа қунининг натижаларини қурсатади. Савдо натижалари бўйича савдо қатнашчилари, маълум бирликдаги қимматбаҳо қогозларнинг обороти ҳақидаги маълумотларни; битим қарорлари – сунги; минимал; қисимал; қотиб олиш ва қотишнинг ёпилиш қотировқаси; тузилган битимлар сони. МАълумот ахборотидан савдо қатнашчилари техник таҳлил қилиш учун қойдаланади. Олинган маълумотлар асосида кейинги биржа савдоларидаги ҳаракатини аниқлаб олади.

Ривожланган фирмалар ахборотнинг қомонавий тури бўлган рекламаларни ташкил қилишда ва маҳсулотни бозорда туликлигича қотилишида маркетингнинг турли қил усулларида қойдаланилади. Бунга шу қилдаги маҳсулотни қотишда қатнашувчи қилер ва қаридорларни ахборотларини ҳисобга олишлари қиради. Қотиш ишлари турли қил равишда ташкил қилинади. Узининг қаридорларини ёқи янги бозорни ташкил қилиш осон масала эмас. Бу маҳсул тайёрланган реклама ёрдамида маҳсулотни қагазинда қойлаштирилишига ёқи савдо усулига қос қилиши қерак. Қар бир ишлаб

чиқарувчи маълум турдаги товарни сотишда куйидаги саволга аниқ жавоб бериши зарур: Қандай қилиб бу товарни тақсимлайман ва қупрок фойда келтирадиган даражада сота олишим мумкин? Бундай ҳолатда ҳар доим ҳам билимдон воситачи ёки маслаҳатчи хизматидан фойдаланмасдан бўлмайди.

Рекламадан ташқари маркетингда маҳсулотни бозорда тарқатиш муҳим аҳамият касб этади. Агар сиз маълум турдаги бозор сигментини танлаб олган бўлсангиз, бу билан бирга сиз дилер ва савдо воситачилари билан ишлаш усуллариини белгилаб олишингиз, янги савдо бошқармаларига уз маҳсулотларингизни курсата билишингиз ва бозорга олдиндан чиқарилган маҳсулотларни сотишда янги усулларни топа билишингиз керак.

Дилер билан муносабатда бўлганда унга уз даромадингизни бир қисмини ваъда қилиш билан уни қизиқтиришингиз мумкин. Дилернинг ишлаш фаолиятини тартибга солиш усуллари ичида буюртма ҳажми ошганда маҳсулот баҳосини пасайтириш, қушимча реклама харажатларини бир қисмини коплаш, дилер таклифи билан қурғазмаларда маҳсулотларни қурғазмага қуйиш усуллариини фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Янги маҳсулотни бозорда сотиш учун дилерларга ёки истеъмолчиларга бепул, шу маҳсулот туридан фойдаланишга имконият яратиб бериш учун турли хил усуллар қулланилади. Олдиндан ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозорда сотишда буюртмачиларга имконият яратиб бериш усули кенг қулланилади. Бозорда уз маҳсулотларига истеъмолчилар томонидан қизиқишини ортириш учун уларга янги турдаги маҳсулотларни таклиф қилиш ва қуп маҳсулот сотиб олганда маълум даражадаги имтиёзлар яратилиб берилади, масалан бир турдаги маҳсулотни сотиб олиш билан бирга иккинчи маҳсулотни текинга харид қила олиш имкониятини беради.

Бугунги кунда сотиш тармогини такомиллаштиришда қупгина янги кашфиётларни, компанияни инновацион фаоллигини таъминлаб бериш талаб қилинади. Яқин кунларда рекламанинг асосий ҳажми газета ва журналларга тугри келар эди. 40-йилларда рекламанинг асосий канали бўлиб телевидение ҳисобланар эди. 1982 йилдан бошлаб АКШ тижорат телевидениясида янги эра бошланди. "Хоум, Шопинг, Нетворк" (ХШН) компанияси тузилди, бу компания телевизорни реклама воситасидан савдо марказига айлантирди. Эндиликда АКШда товарларни сотиш, танлаш, буюртма бериш, ҳатто савдолашишни уйдан чикмасдан амалга оширишни ташкил қилиб берди. ХШН Флорида штатида жойлашган ва чакана савдо қорхонаси бўлиб ҳисобланади, харидорларга теленамойишлар орқали маҳсулотларни кенг ҳажмда таклиф қилади. ХШН маълумотларига қараб, телетомашабинлар телефон орқали товарларни сотиб оладилар (телефондаги суҳбатлар - бепул, ХШН ҳисобидан).

Бутун давлат миқёсида 24 соат мобайнида ХШНнинг 2 та спутник канали хизмат курсатади. Ҳозирги пайтда бу телекурсатувлар қабель телевиденияси орқали намойиш қилиниши мумкин. Р.Шпеер бошқарма раиси ва И.Л.Паксон ХШН президенти уз компанияларини юқори натижаларини қуйидагича курсатиб бердилар: Биз тажрибада қуп тадбирқорлар орзу қилган фаолиятни амалга ошира олдик. Биз мутлақо янги тармокни ишлаб қикдик. Лекин, тармок сардорлари сифатида бундан доимо енгилгина фойдаланиб келмадик, биз янги

ва янги истеъмолчи-харидорлар учун мустахкам асос яратиб келдик, корпоратив инфраструктурани ташкил килдик.

Хозир бозор иктисодиёти шароитида янада замонавий ахборот воситалари, яъни компьютерлар, интернетлар оркали ана шундай операцияларни амалга ошириш ишлари янада авж олди.

4.3. Биржа савдогарчилиги ва сугурталаш.

Савдогарчилик - бу бозор савдосида нархнинг узгаришидан оладиган фойдани билдиради. Бу бизнинг максадларимизга тугри келади. Энг машхур савдогарлар “айик” биржасида фаолият курсатиб, улар акция сотувчилар, яъни шу вақтнинг узида фойда олиш учун эмас, балки кейинрок фойдага эга булишни режалаштирган шахслардир. Савдогарлар акцияни нархи тушган пайтда сотиб олиб, кейинрок уларни кимматроқка сотишни кузда тутадилар. Савдогарлар асосан купрок товар биржаларида савдогарчилик билан шугулланиб, бугдой, шакар, какао ёки асал каби махсулотларни сотиш билан шугулланадилар.

Фьючерс – бу олдиндан келишилган нарх асосида махсулотларни кейинрок етказиб бериш келишуви хисобланади.

Яна савдогарларнинг бошқа турларидан бири истеъмолчилар булиб, улар газетада шакар нархини ошишини эшитиб, омборга бир йиллик захира сифатида шакарни гамлаб куяди ва унинг нархи яхшигина ошганига ишонч хосил килиб уни кимматроқ нархда сотади ва натижада анча фойдага эга булади. Аксинча, агар шакарнинг нархи тушса, у юткизади. Уларнинг бойлиги ана шундай махсулот нархини ошиши ёки камайишига боглик булиб қолади.

Яна савдогарларнинг шундай турлари мавжуд, масалан банк куйилмаларидан фойдаланадиган шахслар.

Реклама асосида огохлантириш, яъни махсулотлар нархини ошиши ва пасайиши хақидаги маълумотлар асосида ҳам иш курувчи савдогарлар мавжуд. Масалан, бензин нархи бу ерда ҳамма ердаги бензинга нисбатан арзонлигини эшитган савдогар бензинни сотиб олиб, нарироқдаги жойда кимматроқ сотиш оркали фойдага эга булади.

Куп инсонлар узлари билмаган холда савдогарчилик қиладилар ва уларни фойда кетидан кувувчилар деб атайдилар.

Сугурталаш – бу жисмоний ва фьючерс бозорларида динамикадаги баҳога асосланувчи нархни нокулай узгаришини олдиндан сугурталаш тушунилади.

Сугурталаш ва савдогарчилик биржада амалга ошириладиган жараён булиб, улар бир-биридан фарк қилишига қарамай бир-бири билан узвий боглиқдир. Сугурталашни савдогарчиликсиз ва аксинча, савдогарчиликни сугурталашсиз тасаввур қилиш қийин.

Биржада сугурталашни корхона, ташкилотлар шу билан бир вақтда аниқ товарлар бозори қатнашчилари булган ишлаб чиқарувчилар, савдогарлар амалга оширадилар. Амалиётда сугурталаш билан шугулланувчи субъектлар биржа савдогарчилиги билан боглиқ фаолият субъекти орасида қатъий

чегараланиш мавжуд эмас. Аник товарлар бозори иштирокчилари биржа савдогарчилиги билан шугулланадилар ва бозор хужалигида олинган фойда биржанинг кайси жараёнларини амалга оширишдан катъий назар мақсадга эришилади.

Сугурталаш – бу аник товарлар бозорида сотишдан олинган фойдадан курилган зарарни узи коплашни мақсад килиб куяди.

Умуман биржа савдоси – шу савдода иштирок этувчи ҳамма шахс ва ташкилотларга бошқа амал килаётган тижорат шакллари асосида куп фойда олишни мақсад килиб куйган тижорат фаолиятини камраб олади.

Сугурталаш икки томонлама хусусият, яъни бир вақтнинг узида товарнинг аник бир нархига шу товарнинг нархига фьючерслик шартнома асосида унинг нархи белгиланиши катта аҳамият касб этади. У аник товарлар бозори билан биржа бозоридан фьючерс контракти уртасидаги тугри алокани таъминлайди.

Сугурталаш – бу аник товарлар бозоридаги савдода зарарни коплаш функциясини бажаради (масалан, товарларни саклаш).

Сугурталаш техникаси куйидагича олиб борилади:

Чакана товар сотувчиси нархни тушиб кетишини олдини олиш мақсадида сугурта килишга ҳаракат килади ва товарга тузилган фьючерс шартномасини биржада сотади. Сотувчи нархи тушган фьючерс контрактини сотиб олади ва аник товарлар бозорида савдо пулини ололмаган кисмини фьючерс бозори тулашга мажбур булади.

Шундай килиб, сотувчи фьючерс бозорида товарларни сотиш натижасида, 1 январга олдиндан мулжалланган савдо пулини олишга мувофик булади.

4.4. Республика корхоналари ва чет эл корхоналари орасида хужалик алокаларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тугрисидаги Конунга биноан Ўзбекистон Республикасида мулк:

- хусусий мулк;
- жамоа (ширкат) мулки;
- давлат мулки;
- хорижий фукаролар, ташкилотлар, давлатлар, шу жумладан ҳукукий ва жисмоний шахслар мулклари шаклларида намоён булади.

Ўзбекистон Республикасида корхоналар тугрисидаги конунга мувофик мана шу мулк шакллари асосида корхоналарнинг ҳар хил турлари барпо этилиши мумкин. Булар ижара корхонаси, кичик корхона, хусусий корхона, хиссадорлик жамияти ва кушма корхоналардир.

Чет Эл инвестициялари, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, таркибий булинмаларини ташкил этиш ва бу корхоналарининг фаолият таркиби тугрисидаги Низомга биноан мулк ўзбек ва чет эл ҳукукий шахслари ҳамда фукаролари иштирок этувчи

корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кушма корхоналар ҳисобланади.

Кушма корхоналар:

- Янги ҳукукий шахсни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ишлаб турган корхоналарида чет эл ҳукукий шахслари ва фуқаролари уз ҳиссасини кушиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳукукий шахслари ва фуқаролари томонидан хорижий корхонада уз ҳиссасини кушиш орқали ташкил этилади.

Кушма корхоналар бевосита ўзбек ва хорижий иштирокчилар томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кушма корхона ташкил этиш ёки асосий фондларининг киймати 20 миллион АҚШ доллариға тенг булган Ўзбекистон корхонаси акциялари ёки пакетни хорижий инвесторға сотиш йули билан ишлаб турган Ўзбекистон корхонасини кушма корхонаға айлантириш тугрисидаги қарори ўзбек иштирокчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилиғи билан қабул қилинади.

Бир ёки бир неча Ўзбекистон ҳукукий шахслари ва фуқаролари ҳамда бир ёки бир неча хорижий ҳукукий шахслар ва фуқаролар кушма корхонанинг иштирокчилари бўла оладилар. Кушма корхона низомий жамғармасида Ўзбекистонлик ва хорижий иштирокчиларнинг ҳиссалари улар уртасидаги қелишув бўйича белгиланади. Хорижий иштирокчилар ҳиссалари ёки пайларини сотиб олишда Ўзбекистонлик иштирокчилар устун ҳуқуқға эға бўладилар.

Кичик корхона қайта ташкил этилаётганида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари меросхурларға утади. Кичик корхона тугатилган тақдирда ёки ундан чиқиш чоғида кушма корхона мулкидаги уз ҳиссасини тугатиши ёки чиқиш пайтидаги қолдиқ киймати бўйича нақд пул ёки товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқиға эға бўлади.

Муассасалар томонидан корхона низомнинг жамғармасиға ҳисса сифатида қушилган мулкнинг киймати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлариға биноан, ақлий мулк киймати эса қонунда белгиланган тартибда мустақил эксперт комиссияси томонидан баҳоланади. Хорижий сармоя иштирокидаги корхона низомий жамғармасининг миқдори минг АҚШ долларидан қам бўлмаслиғи қерак. Ҳиссанинг киймати Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг кушма корхонани ташкил этиш қуйидаги қурси бўйича сумға айлантрилиб ҳисобланади. Ағар Ўзбекистон томонидан давлат мулки шаклидаги корхона ёки низомий жамғармасида давлат мулкнинг ҳиссаси булган корхона кушма корхонанинг муассаси сифатида қатнашаётган бўлса, у кушма корхона низомий жамғармасиға топширадиган мулкни бериш ва баҳолаш масалалари Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қумитаси ёки унинг ҳудудий идоралари билан қелишиб олиниши қерак.

Муассасалар, корхоналар томонидан уларни кушма корхоналар низомий жамғармасиға ҳиссалари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасиға олиб қелинаётган усқуналар, материаллар ва бошқа мол-мулк бож туловларидан озод қилинади.

Кушма корхоналар иктисодиёт таянчидир. Шу сабадан чет эл сармояларини Ўзбекистонга олиб келишга аҳамият берилмокда. Масалан, 1998 йилда 11 миллион АКШ доллари сарфланиб Ўзбекистон-Канада ҳамкорлигида курилган “Друппа Дизайн” кушма корхонаси ҳам юксак унум билан ишламокда. Ёки Германиянинг “аппател” фирмаси томонидан 9,5 миллион немис маркаси эвазига жихозланган йирик телефон станцияси туфайли бугун наманганликлар дунёнинг хохлаган бурчаги билан бемалол гаплашиш имкониятига эга булди. Бундай мисолларни яна куплаб келтириш мумкин.

Мустакил ривожланаётган Ўзбекистон Республикасида кушма корхоналарнинг ривожланиши муносабати билан уларнинг кушма фаолиятидаги хисоб амалиёти ва улар фойдаланилаётган хисоб усулларини халқаро стандартлар асосида белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Хисоботнинг халқаро стандарти бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар экспертларининг тан олишига кушма корхоналар уч гуруҳга булинади: биргаликда назорат қилувчи булимлар, операцияларни биргаликда назорат қилувчи ва активларни биргаликда назорат қилувчилар.

Операцияларнинг ва активларнинг биргаликда назорат қилувчиларнинг ҳисоби бўйича ҳеч қандай муаммо йук, чунки бу тоифа кушма корхоналар мустакил тузилма эмас. Операцияларни биргаликда назорат қилувчи корхоналарнинг ҳар бири ўз ресурслари ҳисобидан кушма корхоналар доирасида ўзига бириктирилган ишларни бажаради. Олинган фойда қатнашувчилар орасида шартнома асосида тасдиқланади.

Иш фаолиятини биргаликда назорат қилувчи корхоналар ҳуқуқий шахс булмаса ҳам, кушма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ўз ресурсларини бирлаштириб, бошқарув вазифаси қатнашувчиларининг бирига юклатилади ёки кушма бошқарув органи тузилади. Бу тоифа кушма корхоналарнинг аксарияти қазилма бойлик ишлаб чиқаришларида ташкил этилиб, бошқалардан фарқли уларок, унинг ҳар бир қатнашчиси фаолларининг маълум бир булинмас қисмига эга булади. Лойиҳаларни бажариш билан боғлиқ булган харажатлар қатнашчилар орасида қилишилган ҳолда тақсимланади. Ҳар бир қатнашувчи кушма корхона ишлаб чиқарган маҳсулотнинг маълум бир қисмига эга булади. Бундай корхоналарнинг ҳар иш фаолиятини биргаликда назорат қилиш билан боғлиқ булган муаммоларни мустакил ҳужжатлаштириб ҳисобга олиб борадилар.

Биргаликда назорат қилувчи тузилмаларда қатнашувчилар корхонаси алоҳида иктисодий бирликни ташкил этиб, ҳуқуқий шахс ҳисобланади ва узининг ташкилий сугуртасига эга булади.

Қатнашувчиларнинг корхона капиталидаги улуши, уларнинг фойдани тақсимлаш ва корхонанинг иктисодий сиёсатида қатнашиши кушма корхоналар тугрисидаги шартнома билан белгиланади. Бу тойифадаги кушма корхоналар қайси мамлакатда ташкил қилинган булса, бухгалтерия ҳисобини юритишда, шу мамлакат ҳисоб принципларидан фойдаланади. Лекин халқаро даражада қабул қилинган ҳисоб принциплари бу ҳисобнинг асосини ташкил этиши керак.

Кушма корхоналарда катнашиши хисоби ва тегишли хисоботи кушма корхоналарнинг структура ва шаклидан катъий назар, хар бир катнашувчи кушма корхона фаолияти мазмунини акс эттириши мумкин.

Хулоса

Шундай килиб, биржалар кенг доирада маслахат бериш ва ана шу каби хизматларни бажарадилар. Улар билан яхши муносабатларни саклаб туриш максадга мувофикдир. Шу максадда корхоналар биржалар билан маълум тур шартномаларини тузишлари мумкин. Биржалар шу билан бирга купгина махсулот ишлаб чикариш, ишлар ва хизматларни бажариш соҳасида жуда куп хилдаги фаолият турларини бажара оладилар, кушма корхоналар яратадилар, сугурта, молия-кредит ва коммерция операцияларини бажарадилар. Куп холларда биржа ва брокерлик идоралари куп киррали фаолиятни амалга оширувчи ташкилотдир. Шунинг учун уларни яратишда ана шу куп киррали фаолиятни имконият буйича Уставда акс эттириш зарур.

Биржа махсулотларининг муҳим таърифи булиб нарх навони белгилаш шarti хисобланади. Коида буйича биржада савдо катта булмаган ишлаб чикариш ҳукукига тегишли булган махсулотлар ёки истеъмол буюмлари олиб борилади. Биржа савдоси бозорларида эркин нарх талаб ва таклиф асосида олиб борилади. Нархни эркин шакллантирмасдан уларнинг доимий тебраниши, ҳеч булмаганда катта булмаган бозор сектори махсулот биржасини шаклланишини тасаввур килиш кийин.

Биржа функцияларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида савдони олиб бориш ва ташкил этишни автоматлаштириш программалари йулга қуйилган.

Чакана товар сотувчиси нархни тушиб кетишини олдини олиш мақсадида сугурта килишга ҳаракат килади ва товарга тузилган фьючерс шартномасини биржада сотади. Сотувчи нархи тушган фьючерс контрактини сотиб олади ва аник товарлар бозорида савдо пулини ололмаган кисмини фьючерс бозори тулашга мажбур булади

Таянч иборалар:

Биржа, савдо битимлари, воситачилик хизматлари, бюллетень, норматив ҳужжатлар, биржа миқозлари, савдо воситачилик фаолияти, дилер, биржа кенгаши, эркин нарх.

Назорат учун саволлар:

1. Биржа фаолияти функцияси деганда нимани тушунасиш?
2. Республика корхоналари ҳамда чет эл корхоналари орасида ҳужалик алоқаларини амалга ошириш?
3. Кушма корхоналар қандай ташкил этилади?
4. Кенг доирада маслахат хизмати қандай ташкил этилади?
5. Савдогарчилик ва сугурталаш деганда нимани тушунасиш?
6. Чакана товар сотувчисининг функцияси нимадан иборат?
9. Кичик корхона қайта ташкил этилаётганида нималарга эътибор бериш лозим
10. Нарх-навони белгилаш шarti нима?

Асосий адабиёт.

1. Дж.М.Эванс. Б.Берман. “Маркетинг” М.2002.
2. О.Штиллих Биржа и её деятельность. Санкт Петербург. Братство.:2002
3. Татаркова Н. В. История трудовых отношений: Учебное пособие, тесты, учебная программа. / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики.-М.: МЭСИ, 2004.
4. Максимова В. Ф. Портфельные инвестиции: Учебное. пособие.Статистики и информатика. - М.: МЭСИ, 2004.
- 5.Коротков А.В. Товарные биржи и биржевой анализ: Учеб. пособие.М.: МЭСИ, 2004.

Мавзу 5. Биржа структураларини ташкил этиш ва бошқариш.

1. Биржа структураларини ташкил этиш.
2. Биржа фаолиятини ташкил этиш.
3. Биржанинг бошқарув органлари.
4. Биржа савдо ташкилотчиси сифатида.
5. Биржа инфраструктурасини ташкил этиш.

5.1. Биржа структураларини ташкил этиш.

Биржа кенг доирада хилма хил ахборот – воситачилик хизматини курсатиб, улгуржи савдони ташкил этади ва савдо битимларини тузишда кумаклашади. Биржа давлат, хусусий ва акционерлар жамияти турида фаолият курсатади. Биржа бошқарувининг олий органи булиб акционерларнинг Умумий мажлиси хисобланади ва у бир йилда бир марта утказилади.

Биржага рахбарлик қилишнинг энг олий органи биржа аъзоларининг (акционерларнинг) умумий йигилиши (мажлиси) хисобланади. Бу йигилиш бир йилда бир марта бўлади. Йигилишлар уртасидаги фарқ, одатда 15 ойдан ошмайди. Умумий йигилиш қуйидаги масалаларни ҳал этади:

- Уставни тасдиқлайди, унга узгаришлар ва қушимчалар киритади:

- Биржа Кенгаши тугрисидаги Кулланмани тасдиқлайди,

қушимчалар ва узгаришлар киритади:

- шуъба корхоналар ва бошқа алоҳида фирмаларни, бўлинмаларни яратади ва зарур ҳолларда тугатади:

- Директорлар кенгаши (Биржа кенгаши) га тушган шикоятларни қуриб чиқади:

- биржа фаолияти натижалари тугрисидаги йиллик ҳисоботларни, тафтиш комиссияси ҳулосаларини, даромад ва зарарлар ҳисобини тасдиқлайди.

Умумий йигилишлар орасидаги энг олий орган рахбарлик органи булиб, Биржа Кенгаши ҳисобланади. Унинг сони ва ҳар бир шахс бўйича таркибини акционерларнинг умумий йигилиши белгилайди. Биржа Кенгаши зарур бўлмаган барча масалаларни ҳал этади. Унинг ҳуқуқлари махсус кулланма билан белгиланади. Биржанинг қундалик маъмурий - ҳужалик ва тижорат фаолиятларига маъмурият рахбарлик қилади.

Биржа қуйидаги вазифаларни бажаради:

- биржа савдо-сотикни утказиш учун шароит яратиб бериш:

- биржа операцияларини тартибга солиб бориш:

- товарларга булган талаб ва таклифлар нисбати асосида нарх-навони белгилаш:

- биржа аъзолари ва мижозларига ташкилий йусиндаги ҳамда бошқа тур хизматлар курсатиш:

- мунтазам равишда (хафтасига камида бир марта) нарх наво аникланишига, индексацияси ва узгаришига, савдо-сотик вакти, товарлар, битим хажмларини аниклаш.

5.2. Биржа фаолиятини ташкил этиш.

Биржа фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш унинг Уставига мувофик амалга оширилади. Биржа уз бошқарувининг тузилишини, шакли ва услубларини мустакил белгилайди.

Биржа уставида куйидагилар белгилаб берилади:

- биржанинг номи ва тури:
- биржанинг манзилгохи:
- биржа фаолиятининг соҳаси ва мақсади:
- Устав фондининг миқдори, муассасалар томонидан фондга улушлар киритилишининг тартиби ва муддатлари.
- даромадни таксимлаш ва мулжалланган зарарларни коплаш тартиби:
- биржа муассасалари ва аъзоларининг мулкый жавобгарлиги:
- биржанинг бошқарув идоралари, уларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколатлари:
- биржа савдо-сотиги коидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби:
- биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни вақтинча тухтатиб туриш ва тухташ тартиби, биржа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- биржани қайта тиклаш, ташкил этиш ва тугатиш тартиби;
- биржа аъзоларининг (акционерлар, иштирокчилар) умумий йигилиши.

Мустакил давлатлар кенгаши, шу жумладан Ўзбекистондаги ва чет элдаги жисмоний ва юридик шахс ҳисобланганлар, куйидаги талабларни бажаргандагина улар биржа аъзолари бўлишлари мумкин. (Биржа ва биржа фаолияти тугрисидаги 1992 йил 2 июль Ўзбекистон Қонунининг 15-моддасида курсатилган).

Биринчидан, агар шу шахсларга тадбиркорлик билан шугулланиш қонунда ман қилинмаган бўлса;

иккинчидан, агар улар биржа Устави ва биржа Кенгаши аъзоларига қуйилган талабларга жавоб берса;

учинчидан, агар аъзоликка қирувчилар зарурий бадалларни ёки брокерлик урни учун туловларни тулай олсалар.

Биржа аъзолигига қириш факат биржа Кенгашининг розилиги билан бўлади.

Биржа ички ишларини бошқариш ва бошқа субъектлар билан ҳуқуқий ташки алоқаларни урнатиш учун биржанинг раҳбар ташкилоти яратилади.

Улар қуйидагилардан иборат:

биржа қумитаси, кенгаши ёки биржа уставида курсатилган бошқа ташкилотлар (Бошқарув идораси, бошқарма, тафтиш комиссияси, Арбитраж. Ҳисоб палатаси, Руйхат қумитаси, савдо коидалари бўйича Қумита ва бошқалар).

Уларнинг фаолиятлари махсус меъёрий ҳужжатлар, Устав, биржа қарорлари ва қулланмалари билан тартибга солинади

5.3. Биржа бошқарувининг органлари.

Биржа бошқаруви органлари жамоа ва стационар структурадан ташкил топади.

Биржа совети билан бир вақтда биржа аъзоларининг Умумий мажлисида Ревизия комиссиясини сайлайдилар ва у биржанинг молиявий-хужалик фаолиятини назорат қилади.

Қимматли қозғалар бозорининг асосий элементи бўлиб фонд биржаси ҳисобланади. Фонд биржасининг функционал структу-раси қуйидаги принциплар асосида аниқланади:

1. Доимий фаолият курсатувчи бозорни яратиш;
2. Нархларни аниқлаш;
3. Молиявий инструментлар ва уларни айланиши, нархлар ҳақидаги маълумотларни тарқатиш;
4. Молиявий воситачиларнинг профессионал даражасини сақлаб, қутариб туриш;
5. Савдо-сотиқ қоидаларини ишлаб чиқиш.



1-чизма. Акционер жамиятини бошқарув хайъати.

Биржалар, умуман олганда, фойдасиз ассоциациялар булиб, улардан чиккан даромадлари куйидаги асосий омиллардан ташкил топади:

1. Савдо залида хар бир буюртмаларни бажаргани учун олинадиган солик;
2. Компанияларнинг акцияларини биржа варакасига киритиш учун олинадиган тулов;
3. Компанияларнинг листингларини яхши холатда ушлаб туришига ишлатиладиган компаниялар туловлари;
4. Компания структурасини узгартириш натижасида листингни узгартириш учун туланадиган туловлар;
5. Биржа аъзолигига кириш туловлари;
6. " Уринлар " сотуви ва бошкалар

Купинча биржалар ёпик турдаги акционерлик жамиятлари булади. Тошкент Республика фонд биржаси хам шу турга мансубдир. Биржа акционерлари акционерларининг умумий мажлисида катнашиб, у ерда овоз бериш йули билан биржа бошқарувида катнашишлари мумкин. Акционерларнинг умумий мажлиси одатда бир йилда бир марта булиб, у ерда асосан акционерлар узгариши, назорат совети таркиби, дивидентлар сиёсати ва шунга ухшаш масалалар куриб чикилиши мумкин. Лекин биржанинг хар кунги бошқариш, унинг сиёсатини ишлаб чикиш ва бажарилиши билан биржа совети, ёки биржа рахбарияти шугулланади. Яъни биржа рахбарияти биржанинг барча булимларини кундалик бошқарувчи органидир.

Секритариат биржа рахбарияти томонидан берилган топширикларни тайёрлаш, уларни булимларга етказиш ва булимлардан олинган ва келаётган маълумотларни рахбариятга етказиш билан шугулланади.

Биржа аъзоларини регистрация (кайд) килиш, брокерлик идораларини регистрация килиш ва уларни хисобини олиб бориш шу ном билан аталувчи булим томонидан юритилади.

Экспорт комиссияси кимматли когозлар ва уларнинг элементлари (унсур) ни экспертиза килиб, уларни котировка ва биржа савдосига киритилишига санкция беради. Экспертиза кимматли когозларни чикарувчиларининг маънавий бухгалтерия маълумотларига асосланган компьютерларда олиб бориладиган мураккаб хисоб-китоблар оркали амалга оширилади.

Бу тахлил маълумотларига таяниб акция чикарувчининг кимматли когозларни чикарувчининг кимматли когозларини листингга киритиш ёки киритмаслик тугрисида маълумот беради ва карор кабул килинади.

Квалификация (малака) комиссияси брокерлар малакасини уларни биржа операциялари (кимматли когозлар операцияларида катнашиш мумкинлигини) аниклаб беради.

Котировка комиссияси биржада сотиладиган кимматли когозларни нархини белгилайди. Бу комиссия хам кимматли когоз чикарувчисининг молиявий курсаткичларидан кимматли когозларга нарх куйишда фойдаланиб, бу курсаткичларни узгаришига караб, улар (нархлар) ни узгартириб туради.

Маклериат булими катта булим булиб у вазифаларига кура 5секторга :

1. Буюртмалар қабул қилиш ва қайта ишлаш сектори брокерлар-дан у ёки бу эмитент қимматли қогозларини сотиш ёки олиш ҳақида берилган буюртмаларни олиб қайта ишлаб чиқади.

2. Савдони тайёрлаш ва утқазилуш сектори - савдога қўйиладиган қимматли қогозлар бўйича ҳужжатларни тайёрлайди ва савдони тартибли утқазилишини таъминлайди.

3. Шартномалар регистратсия секторида - биржада бажарилган шартномаларини регистратсия қилинади.

4. Ҳисоб палатаси - бажарилган буюртмалар суммасини ва улардан биржага тегишли қисмини аниқлаб беради.

5. Архив ҳамма ердаги қаб ҳужжатларни сақлаш билан шу-гулланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар бўлими халқаро биржалардан маълумотлар олиш, чет эл инвесторлари билан ишлаш қаб ишлар билан шугулланади.

Эксперт аналитик бўлим - бутун қимматли қогозлар бозоридаги аҳволни таҳлил қилиб уни бошқариш билан шугулланади.

Ҳисобот бўлими - ҳар бир қорхонадаги сингари ҳисоб-қитоб билан ва унга боғлиқ чиқариладиган ишларни бажаради.

Худудий сектор - уз вазиқаларига қараб икки секторга :

1. Юридик хизматлар қурсатиш сектори - бу ерда барча қимматли қогозлар бозори қатнашчиларига юридик маслаҳатлар бериш билан асосан шугулланади.

2. Низолар қомиссияси - ҳар қил қимматли қогозлар билан боғлиқ низо ва тортишувларни қонуний ҳал этиб беради.

Биржа ҳужалиқ хизматли бўлимлари - барча биржа бўлим ва хизматчиларига ҳужалиқ хизматлари қурсатиб уларни ҳужалиқ товарлари билан таъминлайди.

Биржа Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлигининг назоратчи вақили бўлади. У биржа фаолиятида биржа қонунлари ва уставларига риоя қилинишини назорат қилади. Қонунчилиққа риоя қилинмаган, этиқага зид иштироқчилар ҳаракати учун у қўйидаги қораларни қуриши мумкин:

- қимматли қогозларни чиқарилиши ва муаммоласини қисман бор ёки тухтатиб қўйиш;

- лицензияни тухтатиб туриш ёки ундан умуман маҳрум қилиб юбориш;

- суд органларига ишни ошириб юбориш.

Биржа савдоси икки йул билан олиб бўрилиши мумкин:

1. Таклиф этилаётган қимматли қогозлар ва уни нархи ва қони ҳақидаги маълумотлар овоз чиқариб эшитирилади.

2. Бу маълумотлар электрон тизимли терминлар орқали етқазилиб олинади.

Ҳозирда биринчи усул эскириб бўриб, иккинчиси қомиллашган ва қулайроқ бўлиб биринчисини сиқиб чиқармоқда.

Электрон савдо системаси уч мустақил леқин алоқадор система-лардан ташқил топади. Бу ерда бош марқазий система буюртмалар ориентация системаси билан боғланиб, у ердан маълумотлар олади. Уз навбатида буюртмачилар ориентация тизими қимматли қогозлар бозори


хакидаги асосий маълумотни таркатадиган компьютерлашган тизим билан боғланади.

Кимматли коғозларнинг савдо-сотик чизмаси куйидаги куринишга эга: Кимматли коғозлар эгаси (сотувчиси) брокерлар оркали сотишга буюртма беради, бу буюртма биржа маклериатига ҳам берилиши мумкин. Уз навбатида кимматли коғозларни сотиб олмољчи чиқариладиган шахс хали брокер оркали сотиб олишга буюртма беради. Бу ерда сотиб олувчи ёки сотмокчи чиқариладиган шахслар ва брокерлик фирмалари ъртасида буюртмага шартнома тузилади. Сотувчи буюртмасини брокерлар маклериатни буюмларидан сунг уни листингдан утказадилар ва савдодан олдин брокерларга топширилади. Бошқалар аралаша оладиган очик савдода сотиш ва сотиб олишга оширилади ва биржада регистрациядан утади. Савдодан кейин савдода сотик шартномаси тайёрланади ва сотувчи сотиб олувчига хизмат курсатаётган брокерлар оркали уларга бу шартнома нусхалари савдо отчетлари (хисобот) топширилади. Сотиб олинган кимматли коғозлар нархи тулангандан сунг банкка беш кун ичида кимматли коғозлар сотувчи хисобидан сотиб олувчи хисобига келиб тушади. Кейин сотиб олувчи акцияларни чиқарувчи билан боғланиб унинг регестр ишловчиси кимлигини аниқлайди ва мурожаат килиб куйидагиларни талаб кулади ва шундан кейин дивидентларни кутиш мумкин булади.

Республикамизда кимматли коғозлар буйича мутахассислар брокерлар куйидагича тайёрланадилар. Улар "Акционерлаштириш ва кимматли коғозлар операциялари" курсларини тугатиб сертификат оладилар.

Давлат мулк қошидаги кимматли коғозлар бозорини мувофиклаштириш ва назорат килиш марказининг имтихонларидан утиб кимматли коғозлар бозорида фаолият юритиш учун лицензия оладилар.

Улар Махсус Орган аттестацияларидан ҳам утиб туриши шарт.



2-чизма. Кимматли коғозларни биржа оркали савдоси таркиби.

5.4. Биржа савдони ташкил этувчи сифатида.

Биржа ва биржа фаолияти хақидаги Ўзбекистон республикаси Қонунида курсатилишича (10-модда) биржа савдо-сотикни ташкил этиш ва уни тартибга солиб туришга доир фаолият билан шугулланишга ҳақлидир. Биржа олди-сотди, савдо воситачилик фаолияти билан бевосита шугулланиши мумкин эмас. Воситачилик фаолияти асосан қайта сотиш, комисион, вакиллик ва брокерликлардан иборатдир. Қайта сотиш уз маблағи ҳисобига уз номидан, воситачи савдогар томонидан амалга оширилади. Комисион савдо комисионер деб аталмиш шахс томонидан комитент деб аталувчи топширик бўйича бажариладиган олди-сотдидир. Вакиллик товар эгаси номидан ва ҳисобидан олди-сотди билан боғлиқ юридик ва амалий ишларни ижро этади. Брокерлик – сотувчи ва харидор уртасидаги алоқани урнатиш билан боғлиқ вакиллик фаолиятидир. Мулкчиликнинг барча шаклдаги корхоналар, ташкилотлар, ҳужалик уюшмалари, брокерлик ва дилерлик фирмалари (идоралари), брокерлар, дилерлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари биржа фаолиятининг иштрокчилари ҳисобланади.

Биржа товарларига куп ишлаб чиқариладиган, бир хил сифатга эга булган, сифат белгиларини солиштириш мумкин булган товарлар қиради. Савдо бир канча товарларни узаро алмаштириш натижасида уларнинг намунаси ва сифатини таърифлаш асосида олиб борилади.

Товарларни қайта сотиш билан савдо уйлари, экспорт ва импорт, чакана савдо фирмалари, импортер кабилар шугулланади. Масалан, АКШда 240 мингдан ортиқ савдо воситачилик фирмалари булиб, уларда 2,6 миллион киши ишлайди. Бу фирмалар товар хиллари, хизмат турлари бўйича ихтисослашиб иш курадилар. Пахта бозорида “Андерсон” ва “Клейтон” фирмалари, галла бозорида “Каргил”, “Континентал Грейн” каби фирмалар мавжуд. Машхур фирма ҳисобланган “Луис Дрейфус” Францияда жойлашган. У галла, усимлик ёғи, кофе, чорва савдоси билан шугулланади, 1,5 миллион тонна юк ташувчи 50 та кемалари бор, жаҳондаги йирик хусусий банклар Билан боғланган, биржа савдосини ҳам олиб боради.

50-йиллар охирига қадар факат тез бузилмайдиган маҳсулотлар биржа товарлари ҳисобланар эди. Бирок илмий техника тараққиёти ютуқлари натижасида биржага тез бузиладиган маҳсулотларнинг алоҳида турлари киритилди.

Биржа маҳсулотларининг муҳим таърифи булиб нарх навони белгилаш шarti ҳисобланади. Қоида бўйича биржада савдо катта булмаган ишлаб чиқариш ҳудудига тегишли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки истеъмол буюмлари олиб борилади. Биржа савдоси бозорларда эркин нарх талаб ва таклиф асосида олиб борилади. Нархни эркин шакллантирмасдан уларнинг доимий тебраниши, ҳеч булмаганда катта булмаган бозор сектори маҳсулот биржасини шаклланишини тасаввур қилиш қийин.

Шуни таъкидлаш лозимки, "маҳсулот" термини замонавий қонуншуносликда жуда кенг маънони беради. Буларга ҳам ушлаб буладиган

моддий нарсалар ҳам кузга куринмайдиган, ушлаб булмайдиган нарсалар, жумладан хизматлар, ҳуқуқлар, фойзалар киради. Шунинг учун замонавий савдо биржаларида нафакат моддий нарсалар савдоси, балки номоддий кийматлар (баҳо индекслари, банк фойзалари, ипотека ва хоказолар) савдоси ҳам олиб борилади. Булар билан биржа битимлари 70-йиллар охирларида тузила бошланди.

Ушлаб буладиган, моддий нарсалар орасида биржа товарлари-нинг анъанавий етакчи гуруҳи кишлок хужалик маҳсулотлари булиб, 50-йиллар урталарида буларга биржа айланишининг 95 фойизи тугри келган. Ҳозирги вақтда аграр маҳсулоти ва ундан ишланган буюмлар биржа битимларининг ҳажми, деярли минерал хом ашё ҳамда ундан тайёрланган маҳсулотлар биржа битимлар ҳажми билан тенг.

Бу товарнинг икки гуруҳи йилига 3,5 трил. долл. булиб баҳоланган моддий нарсалар билан биржа айланишини таъминлайди.

Кенг истеъмолли товарлар ва машина техник маҳсулоти биржа битимлари, уларни сифатли хилма-хиллиги, ишлаб чиқаришнинг кичиклиги, техник параметрларнинг тез алмашилиши, маҳсулотни дифференциацияси, ишлаб чиқариш ва сотиш монополизациясининг юқори даражалилигини амалга оширмайди.

Сунгги 20-25 йилларда товар биржаларида 65 турдан зиёд моллар билан савдо олиб борилмоқда. Бунда 50 хил мол турлари билан доимий битим тузилади, колгани эса биржа айланмасига гох кириб, гох чиқиб кетадиган моллар гуруҳини ташкил этади. Жумладан биржа айланишидан фанер, тери, симоб, тухум, бодиринг, сарийёг ва шу каби моллар чиқиб кетди. Шу билан бирга биржаларда: алюминий, никел, бензин, мазут, пропан, апельсин шарбати концентрати, тирик йирик шохли моллар буйича битимлар тузилади.

Кишлоқ хужалиги маҳсулоти билан биржа жараёнлари умумий ҳажмидан киймат жихатидан 1,7 - 1,8 трил.долл. чиқариладиган, 20 фойиздан ортиқ донга, бугдой; маккажухори, арпа; 18 фойиз атрофида чорвачилик маҳсулотига; тирик йирик шохли моллар, тирик чучкалар ва бошқалар, 10 фойизгача ширин маҳсулотларга: шакар, кофе, какао, деярли 70 фойизи текстил хом ашё ва ундаги буюмларга: пахта, шоли, жун ва хоказолар, колгани эса - тахта, ёғоч, каучук, картошка ва бошқа қатор моллар кирган.

Операциялар ҳажми 1,8 - 1,9 трил.долл. булиб баҳоланган саноат хом ашёси ҳамда ундан қайта ишланган маҳсулот гуруҳида киймат жихатидан битимларнинг деярли ярмини: нефть, бензин, мазут, дизел ёкилгиси, пропан, 30 фойиз атрофида - қимматбаҳо металллар: олтин, қумуш, платина; 20 фойиздан ортиги - рангли металллар мис, алюминий қурғошин, никель ва бошқалар ташкил этган.

АҚШ ва Японияда анъанавий асосий биржа товарлари булиб кишлок хужалиги маҳсулотлари ҳисобланади. Сунгги йилларда қувватга эга булган ва қимматбаҳо металлларнинг аҳамияти сезиларли даражада ўсди. Буюк Британияда нисбатан қувватли ва рангли металлларнинг роли каттарок.

Ҳозирги вақтда бизнинг товар биржаларимизда турли хил маҳсулотлар сотилади ва сотиб олинади. Буларга қурилиш материаллари, металл ва металл

буюмлари, ҳисоблаш техникаси ва маиший электр аппаратлар, истеъмол моллари, кишлок хужалик маҳсулоти, нефть маҳсулотлари, асбоб-ускуналар ва товар гуруҳлари.

Биржада савдо-сотик аниқ коидалар асосида олиб борилади:

1. Савдо-сотиклар фақат воситачилар ёрдамида амалга оширилади. Булар жисмоний шахслар (дилер) ёки юридик шахслар, банклар, инвестиция компаниялари, брокерлик ташкилотлари булиши мумкин. Улар ишонч коғозлари орқали воситачилар (диллер, брокерлар) ҳаракат олиб боришади. Улар буюртмаларни бажарадилар ёки уз ташаббуслари билан уз маблағларига, кейин сотиб юбориш мақсадида қимматли коғозлар сотиб оладилар, ёки сотадилар.

2. Фонд биржасига қимматли коғозларни олиб бориш керак эмас, уларнинг мавжудлигини сертификат тасдиқлайди.

3. Фонд биржасида махсус котировка варагига қиритилган қимматли коғозлар сотилади. Котировка варагига қиритиш жараёни "ЛИСТИНГ" деб аталади.

4. Фонд биржасида нархлар ҳаммага маълум равишда шаклланади ва у ердаги катта таблода қуриниб туради. Ҳамма савдо катнашчилари бир хил шароитда булиб биржанинг одил, исталган қонунларига бўйсунадилар.

5. Фонд биржасида исталган миқдордаги қимматли коғозлар сотилмайди. Балки савдо махсус бирликларда "лото"ларда амалга оширилади.

Биржа қимматли коғозлари сотувчилари ва сотиб олувчилари-нинг манфаатлари чоррахасидир. Шунининг тушиниш керакки, биржада ҳеч нарса сотилмайди ва сотиб олинмайди, балки шу операцияларни тартибли бажариладиган жой булиб, у фақат бу қабил улғуржи савдо қонун қоидаларини ишлаб чиқаради ва унга шароит яратади.

5.5. Биржа инфраструктураси ташкилотлари.

Биржа инфраструктурасига биржа савдосининг профессионал катнашчилари ва унинг меъёрида ишлашни таъминлаб берадиган маълум ташкилотлар қиради. Уларга депозитарийлар, регистраторлар, ҳисоб-клиринг палаталари, ахборот агентлиги ва биржа идоралари қиради.

Депозитарий - бу акционерлик жамияти шаклидаги юридик шахс, ташкилотни қимматли коғозларни сақлаш ва уларга эгаллик қилувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олиш билан боғлиқ хизматларни амалга оширади. Депозитарийни пайдо булиши фонд биржасига бўлган талабга боғлиқ.

Маълум биржага хизмат қурсатувчи депозитарий, шартномани амалга оширишни тезлаштиради. Депозитарий хизматида эмитент ҳам фойдаланади ва қимматли коғозлар билан боғлиқ бўлган мулкчилик ҳуқуқларини амалга оширади.

Депозитарийнинг асосий функцияларига:

- қимматли коғозларни сақлаш;
- қимматли коғозлардан қелиб чиқадиган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;
- эмитенти ва инвестор орасидаги воситачи.

Хозирда Россияда депозитарий институти етарлича ривожланган. Депозитарий функциясини тижорат банклари ва махсус депозитарийлар бажаради. Махсус депозитарийлар факат депозиторлик фаолияти билан шугулланади.

Пайчилар фондининг вужудга келиши билан депозитарийларнинг роли ошиб, уларнинг фаолияти алохида регламентланади. Депозитар хизматлари хисоб-клиринглар билан бирга олиб бориши мумкин. Бундай ташкилотлар депозитар килиринг компанияси номини олган.

Регистраторлар - кимматли когозларнинг мулккий хукукини хисобга олган реестр юритувчилар - яъни, хужжатларини руйхатга олувчи ташкилотлар. Россияда бундай ташкилотларнинг вужудга келиши хусусийлаштириш ва акционерларнинг реестрини олиб боришни ташкил этиш билан боғлиқдир. Кимматли когозлар эгаларининг реестри юритувчи фаолиятни амал килувчи меъёрий хужжатлар асосида йигилиш, қайта ишлаш, саклаш ва хисобга олиш тан олинади. Бу иш билан кимматли когозлар бозори буйича Федерал комиссиясининг махсус лицензиясига эга булган юридик шахслар шугулланиш мумкин. У алохидамахсус фаолият хисобланиб кимматли когозлар бозорида бошқа касбий фаолиятнинг ҳеч қандай бошқа турининг урнини боса олмайди. Акционерлар реестрини акционерлар жамияти узи олиб боради, қачонки акционерлар сони 500 кишидан ошмаса. У (АЖ) регистраторга тобе булмаган таъсисчилар сифатида чиқиши, аммо уларнинг улуши устав капиталининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Кимматли когоз эгалари олдидаги мажбуриятларни бажариш учун биринчи галда реестр эмитент учун зарур. Реестрга асосан эмитент дивидендлар тулайди, акционерлар йигилишига таклифномалар жунатади. Регистраторлар учун раҳбарият томонидан қуйидаги асосий вазифалар юклатилади:

- акционерлик жамияти ҳақидаги ахборотларни саклаш;
- кимматли когоз эгалари ҳақидаги ахборотларни йигиш;
- жамият ҳар бир кимматли когозлар эгаларидан ахборотни йигиш;
- акционерларга тегишли булган кимматли когозларни тасдиқловчи ҳукукий хужжат, гувоҳномаларни бериш;
- реестрни олиб бориш тизимига кимматли когозлар ҳаракатига узгартиришлар киритиш ҳақида ҳисобот бериш;
- акционерлар йигилишини ташкил этиш, дивидендлар тулашни тайёрлашда иштирок этиш.

Регистраторларнинг яна бир янги мажбуриятларидан бири йирик битимлар устидан назорат қилиш, статус буйича жамиятга тегишли шахслар ҳақида раҳбариятга хабар беради ёки огоҳлантиради.

Регистратор кимматли когозларни гаровга қуйиш ва бошқа жараёнларни устидан назорат қилади. Кимматли когоз эгаси узгарган ҳолда, янги мулкдорга расмийлаштиради, шу билан бирга узгарган мулкдор шахсни ва кимматли когоз уғирланмаганини аниқлайди.

Одатда регистратор эмитентнинг кимматли когозларга нисбатан конвертация каби вазифаларни бажарадиган агенти ҳисобланади. Эмитент регистратор орқали уз инвесторларига ахборот етказади.

Агар, регистратор банк тизими асосида билим олган булса, у холда у эмитентнинг туловчи агенти була олади.

Акционерлар реестри коғоз ёки электрон холда ҳисоб- китоб қилинади. Бирок қандай холда бўлмасин, у реестрни юритиш ва сақлаш тугрисидаги фармонининг талабларига жавоб бериши керак.

Коғоз шакли акционерлар сони кам ва қимматли коғозларнинг фаол ҳаракати бўлмаган холда афзалроқ. Бу холда ҳисоб рақамлар йиғиндиси картотека шаклида бўлиб, алоҳида папкалар ва уларда ҳар бир акционер тугрисида ахборот берилади. Ҳисоб рақамининг тузилиши соддалаштирилади – қимматли коғозларни ортиб қолганлиги ҳақида маълумот фақат ахборот қисмида сақланади.

Реестр юритишни янги шакли электрон шаклидир. У бирмунча универсалдир. Қўп миқдордаги қимматли коғозларни операцияларини амалга оширишда реестр юритишни электрон тизими компьютер тармоғи бир қанча операторлар ишини енгиллаштиради. Бирок электрон тизим ва компьютер тармоғи орқали ахборот оқими сезиларли даражада ўсиши.

Хулоса.

Биржа ва биржа фаолияти ҳақидаги Ўзбекистон республикаси Қонунида қўрсатилишича (10-модда) биржа савдо-сотиқни ташкил этиш ва уни тартибга солиб туришга доир фаолият билан шугулланишга ҳақлидир. Биржа олди-сотди, савдо воситачилик фаолияти билан бевосита шугулланиши мумкин эмас. Мулкчиликнинг барча шаклдаги қўрхоналар, ташкилотлар, хўжалик уюшмалари, брокерлик ва дилерлик фирмалари (идоралари), брокерлар, дилерлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари биржа фаолиятининг иштирокчилари ҳисобланади.

Биржа товарларига қўп ишлаб чиқариладиган, бир хил сифатга эга бўлган, сифат белгиларини солиштириш мумкин бўлган товарлар қиради. Савдо бир қанча товарларни ўзаро алмаштириш натижасида уларнинг намунаси ва сифатини таърифлаш асосида олиб борилади.

Шундай қилиб, қимматли коғозлар бозорининг асосий элементи бўлиб фонд биржаси ҳисобланади. Фонд биржасининг функционал структурасининг қуйидаги фаолиятида ётган принциплар асосида аниқланади:

Доимий фаолият қўрсатувчи бозорни яратиш; Нархларни аниқлаш; Молиявий инструментлар ва уларни айланиши, нархлар ҳақидаги маълумотларни тарқатиш; Молиявий воситачиларнинг профессионал даражасини сақлаб, қўтариб туриш; Савдо-сотиқ қоидаларини ишлаб чиқиш.

Биржа қимматли коғозлари сотувчилари ва сотиб олувчиларининг манфаатлари қўрраҳасидир. Шунинг аниқ тушиниш керакки, биржада ҳеч нарса сотилмайди ва сотиб олинмайди, балки шу операцияларни тартибли бажариладиган жой бўлиб, у фақат бу қабил ўлғуржи савдо қонун қоидаларини ишлаб чиқаради ва унга шароит яратади.

Республикада қимматли коғозлар бўйича мутахассислар брo-керлар қуйидагича тайёрланадилар. Улар "Акционерлаштириш ва қимматли коғозлар операциялари" қўрсларини тугатиб сертификат оладилар.

Давлат мулк қошидаги кимматли қозғалар бозорини мувофиқлаш тириш ва назорат қилиш марказининг имтиҳонларидан утиб кимматли қозғалар бозорида фаолият юритиш учун лицензия оладилар. Улар Махсус Орган аттестацияларидан ҳам утиб туриши шарт.

Таянч иборалар:

Молиявий асбоблар, инвестиция компаниялар, сертификат, котировка вараги, листинг, табло, лото, савдо зали, секретариат, экспорт комиссияси, махсус орган, назорат қилиш маркази.

Назорат учун саволлар:

1. Биржа идораларини ташкил этиш қандай аҳамияти эга?
2. Биржа аъзоларини умумий мажлислари қай тартибда тузилади?
3. Биржанинг ташкилий структураси деганда нимани тушунаси?
4. Биржанинг асосий, ёрдамчи структураларини санаб утинг.
5. Брокер мутахассислар қай тартибда тайёрланади?
6. Биржа инфраструктурасининг вазифалари нималардан иборат?
7. Биржа бошқаруви органлари нималардан ташкил топади?
8. Ҳисоб рақамлар йиғиндиси қандай шаклда бўлади ва қандай усулда сакланади?
9. Регистраторнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.
10. Кимматли қозғалар бозорининг асосий элементи бўлиб нима ҳисобланади?

Асосий адабиёт

1. Дж.М.Эванс. Б.Берман. “Маркетинг” М.2002.
2. Фонд биржасининг материаллари. 2002 йилдаги.
3. Татаркова Н. В. История трудовых отношений: Учебное пособие, тесты, учебная программа. / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики.-М.: МЭСИ, 2004.
4. Максимова В. Ф. Портфельные инвестиции: Учебное пособие. статистики и информатика - М.: МЭСИ, 2004.
5. Татаркова Н. В. История трудовых отношений: Учебное пособие, тесты, учебная программа. / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики.-М.: МЭСИ, 2004.

6 мавзу. Товар биржаси

1. Товар биржаси ҳақида тушунча.
2. Товар биржаси иқтисодий категория сифатида.
3. Халқаро ва миллий биржалар.
4. Биржа товари.
5. Товар бозори.
6. Хориждаги товар биржасининг фаолияти.

6.1. Товар биржаси ҳақида тушунча..

Товар биржаси - оммавий товарларнинг улғуржи бозори. Товар биржаси дастлаб XV-XVI асрларда Гарбий Европада пайдо бўлган ва ҳозирги пайтда ривожланиб бормоқда. 80-йилларнинг охирида жаҳон бозорида ҳам ашё ва

озик - овкат алмашинувининг 20 фоизидан ортикроги товар биржаси оркали амалга оширилган.

Товар биржаси бу доимий ҳаракатдаги бозор қуринишларидан булиб, асосан оммавий кишлоқ хужалиқ маҳсулотлари, озиқ-овкат ва хом ашё савдоси билан шугулланиб, бунда товарларнинг бир хиллиги асос булиб ҳисобланади. Савдода бевосита товарларнинг узи қатнашмай, белгиланган стандарт ва нишонлар билан олдидан сотди қилинади. Бунда биржа контракти асосида қатъий белгиланган сифат ва олиб қелиш муҳлати аниқ қурсатилиб иш тутилади. Шунинг учун биржадаги савдода товарлар қулдан-қулга утмай, уларнинг ҳуқуқини берувчи расмий қоғозлар қулдан – қулга утади. Бир товар устида бир неча марта шундай ҳодиса бўлиши мумкин.

XIX асрнинг охирида маълум хил товарлар бўйича ихтисослашган товар биржаларини гуллаб-яшнаши кишлоқ хужалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожланиши билан узвий боғлиқ эди. Ўйрик товар биржалари дон, шакар, кофе ва бошқа товарлар билан савдо қилишга ихтисослашган эдилар. Бу кишлоқ хужалиғи маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар биржа савдоси учун қупрок яроқли бўлган. Бунга сабаб уларни қиска вақтда етиштирилиши ва уларга бўлган доимий талабнинг мавжудлиғидир. Бунинг учун бу маҳсулотларга баҳони барқарорлаштириб туриш қийин. Кишлоқ хужалиғи маҳсулотлари стандарт бўйича биржа савдоси тизимига яхши мослашади: намунаси қурсатилмайди, стандарт бўйича қатат номи берилади. бу хил объектлар ҳозиргача товар биржаларида олди-сотди операциялари олиб боришнинг асосий бўюми ҳисобланиб қелмоқда.

Жаҳонда биржа савдо-сотик маркази булиб: қангли металлар бўйича Лондон, Нью-Йорк, кофе бўйича Нью-Йорк, Гамбург, Амстердам; қанд бўйича - Нью-Йорк, Лондон, Гамбург; пахта бўйича Нью-Йорк, Чикаго, ГФВ; тери бўйича Нью-Йорк, Амстердам; дон бўйича Чикаго, Канада, Лондон шаҳарлари ҳисобланади.

Товар биржасига тулиқрок таъриф берсак, у - стандартлар ёқи намунали товарлар билан савдо қилинадиган бутун товарларнинг қутара бозори ҳисобланади.

Айни пайтда бизнинг мамлақатимизда ҳам товар биржаси ишлай бошлади. Халқаро биржа савдосининг объектлари булиб, асосан янги ишлаб чиқариладиган бир турдаги ва узаро алмашинадиган хом ашё товарлари, қарм тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Одатда улар қуйидаги гуруҳларга: дон, озиқ-овкат, саноат хом-ашёси, қангли ва қиммат баҳо металлар. Биржада энг ўйрик урин озиқ-овкат эгаловчи товарлардан бири кофе ҳисобланади, қунки у ишлаб чиқариш жуғрофий - ҳудудий жиҳатдан асосий истеъмолчилардан узокдалиғи билан боғлиқдир.

Товар биржаси савдо-сотик операцияларининг бевосита предмети маҳсул қонтракти ҳисобланади. Бундай қонтрақтлар уз навбатида зудлиқ билан битим тузиш имқонини тугдиради, бу ерда қатат товарнинг баҳоси ва уни етқазиб бериш вақти қелишилади қолос. Бозор шароитига қелиб товарлар бозорини шакллантириши зарур бўлган муассасалар тизими яратилди. Республика товар-хом ашё биржаси ташқил этилиб, у 1994 йилнинг узидаяқ умумий суммаси 1,3

миллиард сумдан ортирок булган мингдан зиёд олди-сотди битимини расмийлаштирди.

Республикада товар-хом ашё биржаси тизими гуркираб ривожланди. Агар у ташкил этилган 1991 йил урталарида республикада биринчи “Тошкент” товар-фонд биржасида дастлабки ким ошди савдоси утказилган булса, орадан бир йил утгач, биржа иттифокига бирлашган уттиздан ортик биржа иш олиб борди.

